

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

З.А.ИЛҲОМОВ

ТАРИХ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

*

**тадқикот услублари ва терминларининг
изоҳли лугати**

Тошкент-2013

ИЛХОМОВ Зиёвутдин Адхамович
тарих фанлари номзоди, доцент

ТАРИХ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИ
(тадқикот услублари ва терминларининг изоҳли лугати)

Аннотация

Мазкур услубий қўлланмада талабаларнинг “Тарих фани методологияси” фанини ўзлаштиришда ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланип мумкинлигини инобатга олган холда энг асосий тадқикот усуллари, фалсафий ёндашувлар, тарих фанида ва унинг тадқикоти жараёнида кўп учрайдиган бир катор терминлар ва илмий атамалар, уларнинг мазмуни ва изоҳли шарҳлари курсатиб ўтилган. Кўлланманни тайёрлашда буғунги кунгача мазкур фан соҳасида юртимизда ва ҳорижда нашр этилган адабиётлар, илмий маколалар материалларидан фойдаланилди.

Такризчилар:
М.М.Искоков, тарих фанлари доктори, профессор
С.Тўрасев, тарих фанлари номзоди, доцент
Ф.Исматуллаев, тарих фанлари номзоди
Н.С.Расулова, тарих фанлари номзоди

Низомий номидаги Ташкент Давлат педагогика университети
ўкув-услубий кеңгашининг 2012 йил 13 декабрь 5-сонли йигилиши
карори билан нашрга тавсия этилган.

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини ҳар томонлама холис ва илмий жиҳатдан мукаммал ва тарихий далилларга асосланган ҳолда ёритишга катта эътибор берилмоқда. Жаҳон тарихининг ажралмас бўлаги ва таркибий қисми ҳисобланган Ватанимиз тарихи ўзининг нафақат қадимийлиги, балки узоқ давом этган тарихий жараёнларининг жаҳон тарихий тараққиёти жараёнларига жуда катта таъсир этганилиги билан ҳам жаҳон илм аҳли эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон сўзи тилга олинганда жаҳоннинг турли иқлимларида яшовчи ҳар қандай инсоннинг кўз ўнгидаги қадими тарих гавдаланади. Бугунги кунда тарихни нафақат ўрганиш, балки уни илмий жиҳатдан асосланган далилларга таянган ҳолда, тарихий жараёнларнинг моҳиятини очиб беришда ҳакқонийлик тамоилларига асосланган ҳолда чукур ва атрофлича тадқиқ этиш ҳамда энг тўғри илмий хуносаларни тақдим этиш ҳар бир тарих тадқиқотчиси олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Тарих, тарихий ҳакиқат ва уни илмий жиҳатдан холислик асосида ўрганиш, айниқса уни ёш авлодга етказиб бериш бугунги тарих фани олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг таъкидлаб ўтганидек, - “Миллатимиз тарихи ҳакидаги ҳакиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган саҳифаларни кунт билан варақлаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз”.¹

Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳакиқатнинг

¹ Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан колсин. Т. “Ўзбекистон”, 1996. 92-б.

юзага чиқишида катта омил саналади. Айниңса, турли даврларда яратилған тарихий илмий асарларда муаллифларнинг тадқиқот масалаларига турлича ёндашувлари ва фикрлари, хulosаларнинг турличалиги, уларни илмий жиҳатдан чукур тахлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ва холисликка асосланилган энг тұғри хulosаларни чиқарыш бугунғи күн тарихчи мутахассислари олдида турған мухим вазифалардан саналади.

Республикамиз Президенти И.А. Каримов ўзининг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли асарида тарихчиларимиз олдига бир қатор илмий назарий ва амалий долзарб муаммоларни тадқиқ этиш вазифасини қўйган эди². Бу масалалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорида ҳам тарих фанининг бир қатор энг долзарб масалаларига, жумладан, Ўзбекистонда ўтрок маданиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ва шаклланиш босқичларини тарихий манбалар асосида илмий концептуал тадқиқ этиш, ўзбек давлатчилигининг кўп асрлик тарихи ва шаклланишининг тарихий босқичларини тадқиқ этиш ва айниңса тарих илмини замонавий талаблар даражасида ривожлантириш масалалари алоҳида кўрсатиб ўтилди.³

Мазкур қўлланмада кўзда тутилган энг асосий мақсадлардан бири ҳам талабаларда тадқиқотчилик, илмий изланувчанлик малакаларини шакллантиришдан ва келажакда мутахассис сифатида мукаммал тадқиқотларни амалга ошириш учун дастлабки тушунчаларни бериш этиб белгиланган.

Мазкур қўлланмада кўзда тутилган энг асосий мақсадлардан бири ҳам талабаларда тадқиқотчилик, илмий изланувчанлик малакаларини шакллантириш ва келажакда мутахассис сифатида мукаммал тадқиқотларни амалга ошириш учун замин яратиш этиб белгиланган. Талабаларнинг “Тарих фани методологияси” фанини ўзлаштиришда ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланиш

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б. 9.

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, 315-сон, 27.07.1998 йил.

мумкинлигини инобатга олган ҳолда мазкур қўлланмада энг асосий тадқиқот усуллари, фалсафий ёндашувлар, тарих фанида ва унинг тадқиқоти жараёнида кўп учрайдиган бир қатор терминлар ва илмий атамалар, уларнинг мазмуни ва изоҳли шархлари қўрсатиб ўтилган. Қўлланмани тайёрлашда бугунги кунгача мазкур фан соҳасида юртимизда ва ҳорижда нашр этилган адабиётлар, илмий мақолалар материалларидан фойдаланилди.

Қўлланма ва унда келтирилган материаллар юзасидан соҳа мутахассислари томонидан айрим зътиrozлар ва баҳс-мунозарали фикрлар билдирилиши табиий. Бу эса албатта, тарих фани ва унинг тадқиқотлари борасида янада мукаммалликка эришишга хизмат қилиши шубҳасиз.

ТАРИХ ФАНИ ТАДҚИҚОТ УСЛУБЛАРИ ВА ТЕРМИНЛАРИНИНГ ИЗОХЛИ ЛУФАТИ

*

“Анналлар мактаби”

Абсолют (мутлак)

Абсолют (мутлак) ҳақиқат

Абстрактлик

Абстрактликдан (мавхумликдан)

**конкретликка кўтарилиш (йўналтириш,
йўналтирилганлик)**

Аёллар тарихи ва гендер тадқиқотлари

Анализ

Анализ - (таҳлил) қилиш

Аналогия

Аналогия (услуб сифатида)

Анахронизм

Апологетика

Археография

Археология

Атрибуция

A

**“Анналлар
мактаби”**

- “йилномачилик мактаби”, қадимги Миср, Юнонистон, Рим, Хитой ва бошқа давлатларда мавжуд бўлган йилномалар асосида тарихни ёритиш

Абсолют (мутлак)

- (лотинча “absolutus”- шак-шубҳасиз, чекланмаган, чегараланмаган, мутлак) фалсафада: бутун мавжудотнинг азалий ва абадий ўзгармас бирламчи асоси ёки ҳар қандай мутлак нарса, ҳодиса.

Абсолют (мутлак) хақиқат

Воқеликдаги, хақиқий билимнинг эмлирик тажриба ва назарий билишнинг хаққоний ва холис мазмунининг мослиги. Тарих фалсафасида ҳақиқат нарсалар ҳақидаги билимларнинг мослиги сифатида тушунилган (Аристотель), идеал объектларнинг мангу ва ўзгармас абсолют хусусиятлари (Платон, Августин), субъект тафаккурининг ҳис этиши (сезигрлиги, сезиши) билан мослиги (Д.Юм), ўз-ўзи билан тафаккур ва фикрлашдаги текширилмаган, далилсиз шаклларидағи (априори) мутаносиблик (И.Кант) каби тушунчалар ва қараашлар мавжуд.

Замонавий мантиқ фанида ва фан методологиясыда ҳақиқатнинг эътироф этилган тушунчаси воқеликдаги, хақиқий билимнинг хаққонийлик тушунчаси билан тұлдирилиши – яни, хаққонийлик даражаси ва назариялар ҳамда фаразларнинг ишончсизлилік даражаларининг мутаносиблиги билан тұлдирилади.

Абстрактлик

**Абстрактликдан
(мавхумликдан)
конкретликка
күтарилиш
(йұналтириш,
йұналтирилғанлик)**

**Аёллар тарихи ва
гендер
тадқиқотлари**

мавхумлик, фикрнинг мавхумлиги

Объектнинг тадқиқот методи (услуби) бўлиб, абстрактлик (мавхумлик)дан ва бир ёқламалик билимдан нисбатан конкретроқ (аниқ, түлиқ, мукаммал) илмий аниқлик тизими бўлган назарий фикрлаш (тафаккур)га томон билимларни ривожлантириб бориш.

Тарихда аёллар ҳақида маълумотларнинг пайдо бўла бошланиши *феминизмнинг шаклланиши* билан боғлиқ ҳисобланади. Бироқ XX асрнинг 60-йиллари охиirlари 70-йиллари бошларига келиб “аёллар

тадқиқотлари” пайдо бўлган бўлса, 80-йилларга келиб бу соҳада “гендер тадқиқотлари” деб ном олган предмет тармоғи шаклланди ва бунда асосан аёллар тарихининг *концептуал аппаратини* ўрганишга эътибор қаратила бошланди. Бу тадқиқотларнинг биринчи босқичидаёқ аёл тарихчиларнинг танқидий қарашлари биринчи ўринга чиқди. Уларнинг қатъий равишда таъкидлашича, эркаклар тарихшунослиги аёлларни тарихдан “ўчириб юборган” ва энг аввало бу бўшлиқни тўлдириш лозим, қолаверса жинслар орасида “тобеълик” ва “ҳокимлик” муносабатларини ҳам кўрсатиб бериш керак деб хисобладилар. XX асрнинг 80-йилларида маданий – тарихий тараққиётнинг маҳсулни бўлган жинслар орасидаги нотенгликнинг ижтимоий хусусиятига урғу берган ҳолда тадқиқотлар амалга ошириш юзага келди. Гендер тадқиқотларининг асосий мавзулари оила ва никоҳ, уй ҳўжалиги ва бозор, хуқуқ ва сиёсат, дин ва таълим, маданият соҳаларига йўналтирилган.

Анализ

- таҳлил, объектив воқеиликни илмий билиш, ўрганиш услуби.

Анализ - (таҳлил) қилиш

- тарихий ҳодисалар ва тарихий жараёнлар, уларнинг таркибий қисмлари, жараёнлар ва уларнинг таркибий қисмларининг ўзаро муносабатларини фикран қисмларга ажратган ҳолда ўрганиш жараёни. Анализ (таҳлил) га тескари жараён синтез бўлиб, билиш жараёнида бу икки тушунча бирбири билан боғлиқ бўлади. Таҳлилий (анализ) жараён тарихий билиш жараёни ва вазифалари билан боғлиқлиги боис

- илмий тафаккур ва илмий тадқиқот фаолиятининг муҳим омилларидан бири саналади.
- Аналогия**
 - ўхшашик, тарих фанида ўхшашик асосида хулоса чиқариш.
 - Аналогия (услуб сифатида)**
 - ўхшашик; тарих фанида ўхшашиги асосида хулоса чиқариш, таққослаб, қиёслаб хулосага келиш, ҳодиса ва жараёнларнинг, даврлар ва босқичларнинг бирор жиҳатдан ўхшашилигига асосан (ёки фарқланиши) фикрлаш, хулоса чиқариш, таҳлил қилиш, тадқиқот объектидаги бирор-бир ўхшашик асосида жараённинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам хулосалар чиқарилиши мумкин. Тарихий жараёнларнинг алоҳида белгилари асосида бошқа тарихий жараёнлар билан боғлиқлиги ва ўхаш жараёнларини аниқлаб ва қиёслаган ҳолда ўрганилаётган тадқиқот объекти билан боғлиқ тарихий жараёнлар ҳақида маълум хулосаларни кўрсатиб бериш.
 - Анахронизм**
 - (юнон. Ana – тескари ва Chronos – вакт) бир даврда содир бўлган воқеалар ёки ҳодисаларнинг бошқа даврга тааллуқли деб қараш
 - Апологетика**
 - диний ибора бўлиб, айрим ҳолларда тарих фанида ҳам кўлланилади ва кўр-кўронада химоя қилиш маъносида тарихий воқеаларнинг ва жараёнларнинг барчаси олдиндан белгиланган ва маълум қонуниятларга асосланган ҳолда содир бўлади деган теологик тушунча.

Археография

- ёзма манбаларни илк тавсифга олиш ёки уларни қидириб топиб, биринчи марта тавсифлаш, илмий муомалага олиб киришни назарда тутади

Археология

- (юнон. Archaios – қадимги, ва Logos – билим) инсоният тарихини моддий ашёлар ва инсон фаолияти излари ўрқали ўрганадиган фан. Археология алоҳида қадимги ашёлар ва бутун мажмуаларни археологик қазувлар ёрдамида ўрганади

Атрибуция

- тадқикот объектигининг ўзига хос белгиларини аниқлаш, методологияда - тарихшуносликнинг бир қисми бўлиб, турли манбаларнинг ўзига хос белгилари ва таркиби, ўзига хослигини (яратиш даври, муаллифлари, манба ва ундаги маълумотларнинг ишонарли ва хақиқийлиги, ижтимоий мансублиги, бошقا манбалар билан ўзаро боғлиқлиги ва бошқалар) ўрганиш ва аниқлаш, белгилаш.

B

Бонистика

Бонистика

- (фр.Bonistique) - ёрдамчи тарих фани соҳаси бўлиб, қоғоз пул белгиларини ўрганади, бон лар тарихий хужжатлар ҳисобланиб, нумизматика билан узвий боғланган.

B

Волюнтаризм

Волюнтаризм

- фалсафада воқеликнинг негизи иродададир деб билувчи ва объектив тараққиёт қонунларини рад этувчи идеалистик йўналиш. *Психологияда* иродани психик ҳайтнинг асосий омили деб қараш. *Тарих фанида* эса тарихий тараққиётнинг объектив қонунлари билан ҳисоблашмай, ўзбошимчалик билан иш тутиш. **Волюнтаристларнинг таъкидлашича**, инсон тарихни ижод қилувчи, уни шакллантирувчи омилдир, инсон тарихий жараёнда ўзига зарур ва ўзи хоҳлаган жамиятни барпо эта олиши мумкин деб ҳисоблайдилар.

Г

Гендер таҳлили
Генеалогия
Генетик услуб
Геральдика
Гипотеза (фараз)

Гендер таҳлили

- гендерни ўрганишга йўналтирилган услублар мажмуйи бўлиб, у куйидагиларни ўз ичига олади:
 1. Муаммоли гурӯҳларни аниқлаш.
 2. Аниқланган гурӯҳлар таркибидан муаммога алоқадорлиги даражасига қараб кичик гурӯҳларни ажратиш.
 3. Турли ижтимоий гурӯҳлар тажрибалари кесимида муаммоли вазиятларни бошқариш омилларини аниқлаш ва таҳлил этиш.
 4. Муаммонинг ечимини топилишида зарур бўладиган

стратегиялар, ресурслар ва институционал ўзгаришларни аниклаш.

Гендер таҳлилини амалга ошириш жараённида бир қатор услуглардан ҳам фойдаланилиб, улардан бири **картографиялаштириши** (тадқикотчи томонидан қўйилган муаммонинг ечимини топишда тадқикотнинг кейинги босқичларини таҳлил қилиш учун тадқикот обьекти атрофидаги воқеликнинг индивидуал картасини таркибий тадқикот обьекти сифатида яратиш) *дир.*

Генеалогия

- Генеалогия (юонча genealogiya – шажара, **Geneos** - авлод ва **Logos** – билим) ёрдамчи тарих фани соҳаси бўлиб, авлоднинг (сулоланинг) келиб чиқиши, ургуф ва оиласларнинг келиб чиқиши, айрим шахслар тарихи ва қариндошлик алоқаларини ўрганади. Унинг амалий соҳаси шажаралар тузишdir.

Генетик услуг

- генезис (келиб чиқиши) билан боғлик бўлган, келиб чиқишини (генезисини) ўрганадиган услуг бўлиб, тарихий жараёнларнинг келиб чиқиши, воқеаларнинг шаклланишидаги ўзаро боғлиқлик ҳолатларини ўрганиш нұқтаиназаридан тарихий тадқикотларни амалга оширишда қўлланиладиган тадқикот услуби. Бу услуг тарихий тадқикотларда тарихий жараёнларнинг келиб чиқишини тадқиқ этиб, тадқикот йўналишини ўтмишдан бугунги кунга томон йўналтиради. Бунда генетик услуг ўтмишдан бугунги кунгача содир бўлган тарихий жараёнларнинг келиб чиқиши,

ривожланиб бориши ва кейинги холатларига ўтиши жараёнларини воқеларнинг келиб чиқиши сабабларини аниқлашга эътиборни қаратган ҳолда амалга оширади.

Геральдика

- (Heraldry) - ёрдамчи тарих фани соҳаси бўлиб, рамзлар, нишонлар, герблар, композицияларнинг алоҳида белгиларини ўрганади, шунингдек уларнинг ўзига хос тарихий манба сифатида ўрганади.
Геральдика атамаси лотинча «heraldus» – жарчи сўзидан келиб чиқкан. Полякча «herb», немисча «erbo» атамалари мерос ва меросхўр маъноларида қўлланилған. Геральдика герблар ва улар ҳақидаги билимлар тизимиdir. Герб бирон бир мамлакат ёки худуднинг сиёсий ва тарихий характердаги ғоялари мажмуасини, ўзига хос табиий ва хўжалик хусусиятлари, табақавий тавофтларини, шахс, уруғ ва бошқаларнинг шажараларини ифодаловчи алоҳида рамзий белгидир.

Геральдика моддий маданият ёдгорликларини: герб, тамға, муҳр, нишонларни ҳамда гербли ва рамзли ёзма манбаларни ўрганади, миллий анъаналар, ижтимоий хусусиятлар, мамлакатлараро иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрганишга ёрдам беради. Герблар тарихий билимларнинг кўплаб соҳалари: дипломатия, сфрагистика, нумизматика ва бошқаларда ўзига хос манба вазифасини бажаради. Геральдика вужудга келган иттифоқлар, худудий ўзгаришлар, сулоловий никоҳларни акс эттирган ҳолда сиёсий тарих ҳақида, хукмрон табақа ўртасидаги демографик жараён ва

бошқалар түгрисида қимматли маълумотлар бера олади. Нафакат сиёсий ва ижтимоий тарих соҳасида, балки ўрганилаётган даврнинг психологик муҳитини қайта тиклашда ҳам геральдик материаллардан самарали фойдаланиш мумкин. Масалан, ўрта асрлар хроникаси, сиёсий ва бадиий адабиётида герблар тавсифи кўп учрайди. Улар умуман ўша давр менталитети ёки турли тоифалар менталитетига хос бўлган хусусиятларни ҳам ўзида акс эттиради

Гипотеза (фараз)

- (юнон тилида *hypothesis* – асос, тахмин, мўлжал, гумон, “*hypό*” – тагида, пастда, остида, “*thésis*” – ҳолат, яъни бирон-бир воқеанинг асосида ётувчи – сабаб ёки моҳият). Билиш назариясида у ёки бу тарихий жараён ёки воқеа ва ҳодисалар ҳакида тахминларни мулоҳаза килиш ва хукм чиқариш шаклида ифодалаш. **Илмий фараз** - тарихий жараёнлар ёки ҳодисаларнинг қонуниятлар ёки сабабиятлар орқали боғлиқлигини тахмин қилиш. Ҳар қандай илмий фараз билишга бўлган эҳтиёжни акс эттирувчи, яъни билмаслиқдан билишга (билимсизликдан билимга) йўналтирилган билишга оид саволдан бошланади. Фараз имлий бўлиши учун куйидаги талабларга жавоб берishi керак:
 1. Текшириш ва аниқлаштириш имконияти мавжуд бўлиши керак, яъни тадқиқот жараённида дедукция йўли билан ажратиб олинган тарихий ҳодиса ёки жараён оқибатини тажрибалар натижасига кўра, кузатишларга асосан, мавжуд фактик

- материалларга асосан текшириш имконияти мавжуд бўлиши лозим.
2. Олдиндан кўра била олиш кучига эга бўлган етарли даражадаги умумийлик касб этиши, яъни жараённинг содир бўлишидаги ҳодисаларни тушунтириб беришгина эмас, балки у билан боғлиқ барча ҳодисаларни тушунтириб бера олиши ва айни вактда номаълум бўлган ҳодисалар ҳақида ҳам хулосалар чиқариш учун асос вазифасини бажариб бериши керак.
 3. Мантикий жиҳатдан бир – бирига зид мазмунда бўлмаслиги керак.

Д

- Дедуктив-интеграл моделлаштириш**
Дедукция
Детерминизм
Диалектика
Диахрон услугуб (даврлаштириш услуби)
Диний тарих
Дипломатия (дипломатика)
Дипломатия тарихи
Дисперсия

**Дедуктив-интеграл
моделлаштириш**

- воқеларнинг хусусиятлари ва кўламидан ҳосил бўлган умумий тушунчалар ва хулосалар ёрдамида тадкиқотчи тасавурида тарихий жараённи таркибий жиҳатдан шаклини шакллантириш.

Дедукция

- (лотин тилида “deduction” – акратиб олиш, юзага чиқариш) мантикий қонуниятлар асосида бир фикрдан

иккинчи бир фикрни ажратиб олиш, шакллантириш, умумий ҳолатдан хусусий хulosаларга келиш, хусусий хulosалар чиқариш. *Дедукция* – тарих фанида умумий воқелик таркибидан алоҳида хусусий жиҳатларни (воқеликларни) ажратиб олиш. Умумий ҳолатдан хусусий хulosаларга келиш ёки хусусий хulosалар чиқариш

Детерминизм

- (лотин. “аниклиман”) – моддий ва маънавий олам ҳодисаларининг объектив қонуниятли ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлиги, нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги фалсафий таълимот. Нарса ва ҳодисаларнинг сабабий боғланишлари ҳақидаги материалистик таълимот Детерминизмнинг марказий ўзагини сабабиятнинг, яъни ҳодисалар ўртасида бир ҳодиса (сабаб) муайян шароитларда муқаррар равишда бошқа ҳодисани (оқибатни) келтириб чиқарадиган алоқадорлик мавжудлиги ҳақидаги қоида ташкил қиласди. Детерминизмнинг акси *индетерминизм* бўлиб, у умуман сабабиятни ёки лоақал унинг умумий хусусиятини тан олишни рад этади. Тарих фанида *детерминизм* (*сабабийлик*) *тамойили* француз ва немис олимлари томонидан илгари сурилган. Улар тарих фактат тасодифлардан иборат деган гояга қарши чиққанлар. Сабабийлик тамойили тарихий воқеликнинг ўз сабабига эгалигига эътибор беради. *Детерминизм*

(сабабийлик) тамойили тадқиқотчининг зътиборини тарихий ҳодисалар ва воқеаларнинг шартли равишда ўзаро бир-бирига боғлиқ равишда содир бўлишига қаратади. Бу тамойилга кўра барча воқеалар ва ҳодисалар ўзаро бир-бири билан боғлиқ равишда содир бўлади ва бир-бирига таъсир кўрсатади. Айрим тарихчилар сабабийлик тамойилини тан олмайдилар, чунки тарихий воқеаларнинг сабабини очиб бериш жуда мураккабдир.

Диалектика

- (юнон тилидан “dialektike (techne)”- баҳслашиш, сұхбатлашиш, мулокот санъати). *Диалектикада* мавхумлик кенг маънода билимнинг “қашшоқлиги”, бир томонламалиги, конкретлик эса унинг тўлиқлиги, мазмундорлиги сифатида тушунилади. Шу маънода мавхумликдан (абстрактликдан) конкретликка ўтиш илмий билиш жараёнининг умуман олганда кам мазмунли билимдан кўпроқ мазмунли билимга ҳаракатини билдиради. Тарих фалсафасида диалектиканинг турли талқинлари илгари сурилган: *диалектика*
 - Турмушнинг абадий шаклланиб бориши ва ўзгариб туриши, бекарорлиги ҳақидаги билим (Гераклит);
 - Мулокот санъати, фикрлар қарама-қаршилиги орқали ҳақиқатга эришиш (Сүкрот);
 - Нарсаларнинг юксак моҳиятини (идеаллигини) англаш мақсадида таркибларга ажратиш ва тушунчаларнинг алоқадорлиги ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини

- шакллантириш услуги (Платон);
- Қарама-қаршиликларнинг бирбирига мос келиши, ўхшашлиги ҳақидаги илм (Н.Кузанский, Ж.Бруно);
- Инсон онгидаги тұлық ва абсолют (мутлак) ҳақиқатни билишга интилиш жарайёнидаги зиддиятлар ва қарама-қаршиликлардан қоча олмаган ҳолдаги чалкашликларға сабаб бўладиган иллюзиялар (борликни, воқеликни нотўғри идрок килишдан хосил бўлган сохта тушунча, тасаввурларни) ийӯқ қилиш (И.Кант) ва бошқалар.

Диахрон услугуб (даврлаштириш услуби)

- тарихий тадрижийлик асосида тадқиқотнинг амалга оширилиши, тарихий воқеларни кетма-кет, босқичмабосқич ривожланиши бўйича тадқиқот амалга оширилади.
- Вакт бўйича жараёнларнинг энг аҳамиятли хусусиятлари, янги босқичларнинг, давларнинг шаклланиш ҳолатлари аниқланиб, жараёнларнинг бошланиш давридаги ва якуний давридаги ҳолатлари солиштирилиб, таққосланади, тараққиёт ва ривожланишнинг умумий йўналишлари аниқланади. Давларнинг аҳамиятга молик жиҳатларини аниқлаш учун даврлаштириш мезонларини аниқ ва равшан белгилаб олиш ва бунда албатта жараённинг содир бўлишидаги объектив шароитлар ва жараённинг ўзини инобатга олиш зарур. Даврлаштиришнинг бир мезонини бошқа бир мезон билан алмаштириш мумкин эмас. Айрим ҳолларда у ёки бу воқеа ва жараён ёки босқичнинг бошланиш санасини аниқ кўрсатиш имконсиз бўлиб қолади, чунки

жамиятдаги барча жараёнларнинг чегаралари ҳаракатланувчи ва айни вақтда шартли ҳолда белгилангандир. Бу тадқиқот жараёнида барча жараёнлар ва воқеаларнинг турли хусусиятларга эзалиги, бир тахлитда содир бўлмаслиги ва вақт нуқтаи-назаридан келиб чиқсан ҳолда уларни аниқ бир “қолип”га солиб чегаралаб қўйиш максадга мувофиқ эмас ва тарихчи тадқиқот жараёнида бу жиҳатларни албатта инобатга олиши зарурдир. Қачонки бир нечта тизим ва мезонлар мавжуд бўлиб, улар тадқиқотга жалб этилса, тарихий билиш жараёнининг кўлами ва мазмунан бойлиги ҳам ортиб боради.

Диний тарих

- Тарих фани соҳалари ва тармоқлари орасида энг дастлабки юзага келган тармоқлардан бири диний тарих саналади.. Диний соҳа ва жамият ҳаётининг бу соҳа билан боғлиқ жиҳатларига етарли баҳо берилмаслиги умумий ҳолатнинг нотўғри талқининг сабаб бўлади. Айни вақтда бу соҳанинг икки муҳим жиҳати борки, буни тарихчилар теология йўлидан бориши (ёки воқеликка диний нуқтаи-назардан ёндашув) ёки аксинча диний гояларни буткул инкор қилиш, деб кўрсатадилар. Хаттоти Европа тарихчиларида бирор-бир динга эътиқод қиласувчи тарихчи тарихий жараёнларни яхши тушунади, деган тушунча ҳам шаклланган эди. Бироқ бу тушунча ўзини оқламади ва бугунги кунда диний тарихга (дин тарихига) интеллектуал тарих ва ижтимоий тарихнинг ажralmas бир қисми сифатида ёндашила бошланди ва айни вақтда

тарихчи аввалги даврлар тарихини ўрганиш жараённида бу соҳага оид маълумотларни ҳам эътиборга олиши керак бўлади.

Дипломатия (дипломатика)

- (юнон. *диплома* – икки буқланган коғоз; хужжат) расмий ҳужжатларни ўрганувчи ва таҳлил қилувчи билим соҳаси. **Дипломатика** тарих фани соҳаси бўлиб, хуқуқий актлар, ҳужжатларнинг шакли ва мазмунини ўрганади

Дипломатия тарихи

- Дипломатия тарихининг шакланиши ва мукаммаллашиб бориши ҳам тарихий тадқиқотларнинг илк кўринишларида учрайди. Бунда асосан тарихчилар томонидан қироллар, шоҳлар, хонлар, дипломатлар ва элчиларнинг ўзаро алоҳида музокаралари тарихини ёритишига асосий эътибор қаратилган. Кейинчалик дипломатия тарихи соҳасига аста-секин янги тушунчалар кириб кела бошлади ва энди тадқиқот жараённида иқтисодий ва ижтимоий аҳволнинг ҳам ҳолатига эътибор қаратила бошланди. Халқаро муносабатлар тарихи шакллангач эса давлатлар тизимига ва тузилиши жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор қаратила бошланди. XX аср охирларига келиб у ёки бу халқларнинг ўзига хослиги муаммолари тадқиқот жараёнларига аралаша бошлади. Бунда халқларнинг ўзига хос бебаҳо тарихий меросини яхши англаш мақсадида уларнинг менталитетига, маданиятшунослигига алоҳида ургу берила бошланди. Халқларнинг ўзаро бир-бирини яхши тушуниши ва англашини кучайтириш мақсадида тарихчиларнинг тадқиқотлар

жараёнидаги ўзаро ҳамкорлиги ҳам йўлга кўйилган.

Дисперсия

- ёйилиш, ажралиш, бўлиниш, парчаланиш. Тарих фанида тарихий жараёнларнинг таркибий қисмларга ажратиб ўрганиш

Ё

Ёрдамчи тарих фанлари

Ёрдамчи тарих фанлари

- тарих фанига алоқадор, тарих фанининг аниқ бир соҳасини ўрганадиган, аниқ мазмунга эга бир қатор фанларнинг умумлаштирилган номланishi бўлиб, уларнинг орасида энг йириги манбашуносликдир. Колган ёрдамчи тарих фанлари 2 қисмга бўлинади:

1. Турли манбаларни ўрганадиган, бироқ айни вақтда тарих фанида аниқ бир соҳа бўйича ўзига хос вазифани бажарувчи фанлар, яъни *археография*, *архившунослик*, *генеология* (шажара), *метрология* (ўлчовлар ҳақидаги фан), *пaleография* (қадимги кўл ёзмаларнинг хати ва ташки кўринишларини ўрганувчи фан, шунингдек унинг тармоқлари – *эпиграфика* (қадимги ёзувларни ўрганадиган фан) ва *папиология* (папирус қофозига ёзилган қадимий кўл ёзмаларни ўрганувчи фан)), *текстология* (матншунослик), *хронология* (муайян бир вақтдан бошлиб тарихни ҳисоблаб бориш ҳақидаги фан, воқеаларнинг тарихи,

вакти кетма-кет кўрсатиб тузилган жадвал ёки ёзилган рўйхат).

2. Алоҳида манбаларни тадқик этувчи ва айни вактда уларнинг мазмуни, шакли ва хусусиятларини ҳар томонлама ўрганувчи фанлар, яъни *геральдика* (муҳрларни ва нишонларни ўрганувчи фан), *дипломатика*, *нумизматика* (қадимги танга пуллар ва нишонларни ўрганувчи фан), *бонистика* (қоғоз пулларни ўрганувчи фан соҳаси), *фалеристика*, *сфрагистика*.

	Идеал
	Ижтимоий тарих
	Ижтимоий фанлар
	Иқтисодий тарих
И	Индукция
	Интеграл
	Интеллектуал тарих
	Интерпретация
	Интуиция

Идеал - баркамол, мукаммал.

Ижтимоий тарих - XIXасрдан бошлаб тарихчилар томонидан тарихий тадқиқотларда оддий одамлар ва халқнинг ахволини ўрганишга эътибор қаратиш бошлианди. Марксизм таълимотида ишчилар табақаларини ўрганишга асосий эътибор қаратилди. XX асрга келиб, “анналлар мактаби” ижтимоий тизим ва жараёнларни ўрганишга киришди. XX асрнинг 60-

йилларида Э.Томсон томонидан ишчилар табақасининг келиб чиқиши тарихининг ўрганилиши тарихий тадқиқотларда фанлараро ёндашувнинг имкониятларини кўрсатиб берди. Оила тарихи, аёллар тарихи ўрганила бошланди, одамларнинг кундалик фаолияти ва шахсий ҳаётини ўрганишга эътибор кучайди. Бироқ XX асрнинг 80-йиллари иккинчи ярми охирларига жамият ҳаёти тарихини ўрганиш жараёнида кўпгина соҳалар эътибордан четда қолдирилиб, асосан синфий кураш масалаларига асосий эътибор қаратилиб, тарихнинг бир томонлама ўрганилишига йўл қўйилди. Шунингдек бу жараёнлардаги бир тизимлилик ҳам жамият ҳаётини ҳар томонлама ва атрофлича тадқиқ қилишга имкон бермади. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб жамият ҳаётини ўрганишдаги тарихий тадқиқотларда бундай ёндашувлар инкор қилиниб, уни ҳар томонлама тадқиқ этишга киришилди.

Ижтимоий фанлар

- (**Social sciences**) – инсоният ва жамиятнинг ҳаётини турли йўналишларда (соҳаларда) ўрганадиган фанлар мажмуи.

Иқтисодий тарих

- Жамият ҳаёти ва тараққиётининг иқтисодий соҳа билан боғлиқ жиҳатларини ўрганади, статистиканинг пайдо бўлиши билан фаол ривожлана бошлаган. Бугунги кунда математик моделлаштиришдан кенг фойдаланилади. Тарихчи **монетаризм**, **лассеферизм**, **Д.Кейнс назарияси** ва бошқа билимларни билмасдан туриб тадқиқотларни олиб бориши самара бермайди. Тарихчи бўсоҳа тадқиқида одамларнинг яшаш тарзи

ҳақида түлиқ маълумот берга олиши мумкин бўлмаган жон бошига тўғри келувчи иқтисодий ишлаб чиқариш ҳақидаги маълумотлар каби фақатгина иқтисодий таҳлил билангина чекланиб қолмасдан, демография, социология кабиларни ҳам иқтисодий соҳа тарихини ўрганишга жалб эта олиши керак.

Индукция

(лотингчада “*inductio*” - хулоса чиқариш, муайян бир фикрга келиш; хулоса, натижа, якунловчи фикр); далиллардан (фактлардан) айрим фаразларга қадар хулосалар чиқариш, фаразларга йўналтирилган хулосаларни шакллантириш. **Индукцияни икки жиҳати, хусусиятига қараб бир-биридан фарқланади.** Яъни биринчиси **тўлиқ индукция** бўлиб, умумлаштириш якуни хулосага эга бўлган далилар соҳаси билан умумлаштирилади, иккинчиси **тўлиқ бўлмаган индукция** бўлиб, тўлиқ якуни хулосларга эга бўлмаган ёки охир йўқ далилар соҳаси билан умумлаштирилади. **Индукциянинг** икки тури мавжуд бўлиб, биринчиси **оммабоп**, умумий (**энумератив**) бўлиб, ҳисоблаш, санаб ўтиш йўли билан ҳосил қилинади, бунда ҳодисаларнинг **сабаб-оқибатлилик** боғликлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлмайди; иккинчиси **илмий индукция** (**элиминатив**) бўлиб, истисно йўли билан ҳосил қилинади, ҳодисаларнинг **сабаб-оқибатлилик** боғликлиги ҳақидаги маълумотлар хулосалар чиқаришга йўналтирилган мазмунда акс эттирилади.

Интеграл

- Тарих фанида кичик тарихий жараёнлардан, уларнинг йигиндисидан умумий жараённи шакллантириш ва уни хулосалаш

Интеллектуал тарих

- Интеллектуал тарих дастлабки вақтларда йирик мутафаккирларнинг ғоялари тарихи сифатида ривожланиб келди. Кейинроқ эса кўплаб ғояларнинг аксариятини ташкил этувчи ва ўзини оқламаган ва ҳаётга кириб бормаган бундай ғояларни ўрганиш зарурияти борми, деган савол пайдо бўлди. Тарих фанида постмодернистлар қарашлари ва тадқиқотлардаги ёндашувларининг шаклланиши ва тараққий этиб бориши билан интеллектуал тарих ҳам янгиланиб борди. Натижада интеллектуал тарих ўз тадқиқот кўламларини кенгайтириб бориб, тадқиқотлар жараёнида тарихий воқеъликка диний ва айни вақтда илмий қарашларни, турли вақтларда содир бўлган касалликлар ва уларнинг келиб чиқиши ва оқибатлари ва бошқа шу кабиларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Айни вақтда йирик мутафаккирлар ва уларнинг фикр ва ғояларига, улардан қолдирилган матнлар, турли даврларнинг тилшунослиги каби соҳаларга ҳам қизиқиш ортиб бормокда.

Интерпретация

- (лотинчада “interpretatio”) шарҳлаш, изоҳлаш, тушунтириб (изоҳлаб) бериш, талқин қилиш. **Интерпретация** бир неча маънода келтирилади:

1. **Кенг маънода** - шарҳлаш, тушунтириш, нисбатан тушунарлик бўлган тилга таржима қилиш
2. **Махсус маъноди** - мантиқдаги ве математикадаги абстракт (мавхум) тизимлар учун моделларни тизимлаштириш.

Тарих фанида тадқиқотлар жараёнида ҳамда манбашунослик соҳасида нисбатан кўпроқ кўлланилади ва шарҳлаш,

изоҳлаш, тушунтириб (изоҳлаб) бериш, талқин қилиш вазифаларининг бажарилишини англатади.

Яна қаранг: *Манбани интерпретациялаш.* **Манбанинг танқидий таҳлили** (манбашунослик таҳлили)

Интуиция

- ички хис, сезги, сезгирлик, тажриба ёрдамидан ташқари бевосита муроқаба йўли билан ҳақиқатни билиш мумкин деган тушунча.

Квантатив тарих

Классификация - таснифлаш

К

Конкретлик

Конкретлик (конкрет)

Контент - таҳлил

Концепция

Корреляцион

Квантатив тарих

- («quantity» - миқдор) – тарихий тадқиқотларда миқдорий (математик) услубларнинг қўлланилиши ва тарих фани тармоқлари бўйича хulosаларга эга бўлиш билан боғлиқ тушунча

Классификация - таснифлаш

- Тарихий жараёнларни, воқеаларни, ҳодисаларни, уларнинг бориши ва таркибий кисмларини таснифлаш. Тадқиқот объектларини алоҳида жиҳатларига асосан (тури, шакли, даври ва бошқалар) ҳамда бошқаларининг моҳиятига таъсир этмайдиган умумий белгиларига асосан гурухларга ажратиш.

Классификациялашнинг яна бир шакли ***тиология*** ҳисобланади.

Конкретлик

Конкретлик
(конкрет)

Контент - таҳлил

- аниқлик, фикрнинг аниқлиги
- (лотинчадан “concretus” – зичланган, тўлик) фалсафий категория бўлиб, икки маънода қўлланилади: яъни, бевосита маълумотнинг ўзи сифатида, илмий аниклаштиришларнинг тизими сифатида, нарсалар (буомлар) нинг моҳиятнан алоқадорлиги ҳамда ўзаро боғлиқлиги ҳамда ҳодисалар ривожланишининг қонуниятлари ва тамойилларини аниқловчи сифатида тушунилади. Дилектикада конкретлик абстрактликка қарама-қарши маънода бўлади, назарий билиш ҳам абстрактликдан конкретликка йўналтирилган (кўтарилган) ҳолда амалга оширилади.
- Матнли маълумотлар мазмунини ижтимоий анъаналарни аниклаш ва ўлчаш мақсадларидағи жиддий тадқиқот бўлиб, бу услуг бир қанча манбаларни баравар ўрганиш вақтида қўлланилади. Кўп ҳолларда тадқиқ этилаётган ахборотнинг дастлабки ўрганиш босқичида қўлланилади. Мазкур услугнинг ривожланиши социологик тадқиқотлар билан боғлик, бироқ **контент-таҳлил услуги** матнларни чуқур ўрганиш лозим бўлган барча жараёнларда қўлланилиши мумкин. **Контент-таҳлил услугининг** асосий мақсади - ўрганилаётган хужжатлардаги ахборотни ўрганиб, маълумотдаги ижтимоий контекстни аниклашга йўналтирилган. **Контент-таҳлил услугининг устунлик жиҳати** - тадқиқотчининг ўрганилаётган обьектга таъсирини чеклайди, олинаётган маълумотларнинг юкори даражадаги

ишончлилиги (чунки хужжатларни бир неча бор қайта текширувлардан ўтказиш мүмкін ва бошқа хужжатлар билан солишириб күриш имконияти бор), ижтимоий-психологик ҳодисаларни ўтмиш хужжатларига асосланган ҳолда тарихий нұқтаи-назардан ўрганиш имкониятининг мавжудлиги.

Контент-тахлил **услубининг имкониятлари:**

- Устувор ижтимоий йұналишларни аниклаш ва таҳлил қилиш
- Манбанинг эң нозик жиҳатларигача аниклик киритиш имконияти
- Турли тушунчаларнинг тақрорланиш даражаларини аниклаш
- Матнда мавжуд хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда муаллифнинг манбани яратищдаги нұқтаи-назари, ёндашуви ва позициясига тадқиқотчининг әътиборини қарата олиш.

Контент-тахлил услубининг тадқиқот босқычлари:

- Хужжатлар таҳлили учун дастурларни тайёрлаш (вазифалар, тушунчалар, фаразлар ва бошқа).
- Танловни шакллантириш
- Муайян аник таҳлилнинг усулларини ишлаб чиқыш
- Услублани текширувдан ўтказиш, унинг самарали эканлигига ишонч ҳосил қилиш
- Дастрлабки ахборотларни йиғиш
- Тұпланған материалларни миқдорий таҳлил қилиш
- Күлга киритилған натижалар ва хуносаларни интерпретациялаш

Концепция

- лотин тилида “conceptio” – тушуниш, қараашлар тизими (системаси) – тушуништинг аниқ бир воситаси бўлиб, бирон-бир нарсанинг (предметнинг), ҳодисанинг, жараённинг моҳиятини тушунтириб бериш, изоҳлаш, талқин қилиш, уларнинг тизимли ёритиб беришнинг асосий нуқтаи-назари

Корреляцион

- ўзаро боғлиқлик, боғланганлик, муносабатдорлик; тарих фанида воқеаларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро муносабатда бўлганлиги.

Маданият тарихи
Манбалар - Манба
Манбани интерпретациялаш
Манбанинг таққидий таҳлили
(манбашунослик таҳлили)
Манбашунослик
Мантиқ (мантикийлик)
Марксизм
Метод
Метод
Методология
Метрология
Моделлаштириш
Мукаммал тавсифлаш услуби

Маданият тарихи

- Маданиятшуносликнинг бир бўлими бўлиб, аниқ замон ва макон чегарасида мавжуд бўлган жамият маданиятини ўрганади. Маданият тарихи тарихий тадқиқотларнинг анъанавий ва асосий тармоқларидан бири саналади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, маданият

тушунчасининг ўзи бир неча талқинда мавжуд бўлиб, кенг қўламли тушунча бўлгандиги сабабли, файласуфлар ва маданиятшунослар томонидан бу тушунчага аниқлик киритувчи ўнлаб таърифлар бериб ўтилган. Тарихчилар томонидан мадачият тарихининг тадқиқотлари жараёнида бундай тушунчаларнинг деярли барчасидан фойдаланиб ўтилганлигини тарихий тадқиқотларда кузатиш мумкин.

Бугунги кунда янги маданият тарихи шаклланган бўлиб, унинг асосини тил, матнлар ва *нarrative* тизимлар (семиотик ёндашув) ташкил этади. Янги маданият тарихи халқ маданияти ва *элитар* маданиятнинг бир-бирига қарама – қаршилигини инкор қиласди. Бугунги кунда маданият тарихи билан шуғулланиш маданият фалсафаси ва маданиятшунослик соҳаларида бирмунча жиддий тайёргарлик ва билимларга эга бўлишни талаб этади. Айни вақтда янги ёндашувлар эса янги-янги натижаларни бериши шубҳасизdir. Кўпгина тарихчиларнинг фикрича айнан маданият тарихи тарихи синтезнинг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин, ваҳоланки айнан ана шундай синтез воситасини шакллантириш ва асослаб беришга кўпгина авлод тарихчилари томонидан уринишлар бўлган.

Манбалар - Манба

- ўтмиш ҳақида ахборот ташувчилар. Инсоният ўтмиши ва жамият тараққиёти жараёнлари ҳақида маълумот берувчи ва уларни бевосита акс эттирувчи барча моддий ва ёзма маълумот берувчилар. *Манбалар* бир неча турли бўлиши

мумкин: *Ёзма* (белгили) манбалар; *Моддий манбалар*; *Этнографик манбалар*; *Халқ оғзаки ижодига оид манбалар*; *Лингвистик* (тилишуносликка оид) манбалар. Тарихий манбалар – ҳар қандай тарихий тадқиқотларнинг асосини ташкил килади. Манбаларсиз ва уларни ўрганмасдан туриб жамият тараққиёти тарихини илмий билишни амалга ошириб бўлмайди. Манбаларнинг микдори чегараланмаган (чексиз), бироқ уларнинг бугунги қунгача сақланиб қолган турли даврларга оид кисмлари ва ўша давр ҳақида маълумот берувчи микдори бир хилда эмас. Давр қанчалик қадимий бўлса, манбалар микдори шунчалик камайиб боради. Тарихий манбаларнинг барчаси шартли равишда б турга бўлинади: 1. *Ёзма манбалар*. 2. *Моддий манбалар*. 3. *Этнографик манбалар*. 4. *Лингвистик манбалар*. 5. *Оғзаки манбалар*. 6. *Кино* (тасвирли) – *фоно* (овозли) – *фото* (суратли) манбалар. *Манбаларнинг* таснифланиши, келиб чиқишини ва яратилишини ўрганиш, муаллифлари, ҳақиқийлиги ва ишонарлилиги, тўлиқлиги каби бир қатор жихатларини манбашунослик фани ўрганади.

Манбани интерпретациялаш

- **Манбани интерпретациялаш** - бу шундай тушунчаки, бу жараённида манбадаги конкрет фактлар (далиллар) ҳақида, ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида айнан нималар (ёки қандай маълумотлар ва ахборот) ҳабар қилинмоқда эканлигини аниқлаш, манбадаги матн таркибидағи тўғри маънодаги ва кўчма маънода келтирилган фикрларни (маълумотларни) тўғри талқин қилиш, маҳсус атамалар,

ишоралар, ўхшатишларнинг маъноларини очиб бериш жараёнлари тушунилади.

Қаранг: манбанинг танқидий таҳлили (манбашунослик таҳлили)

Манбанинг танқидий таҳлили (манбашунослик таҳлили)

- Манбанинг танқидий таҳлили (манбашунос-лик таҳлили) икки қисмдан иборат бўлади:

1. Манбанинг асл нусха эканлигини аниқлаш (ташқи ёки текстологик (матншунослик хусусиятларига асосан) танқидий таҳлил (танқидий муҳокама этиш));
2. Манба таркибидаги мавжуд маълумотларнинг (ахборотнинг) ишончлилигини аниқлаштириш (ички ёки хусусий тарихий танқид).
Турли манбаларнинг манбашунослик таҳлили ўзига хос хусусиятларига эга бўлади (масалан, хужжатли манбалар оғзаки манбалар ёки ривоят ва афсоналарга қараганда турлича услубларда таҳлили этилади ва бошқалар).

Манбанинг асл нусха эканлигини аниқлаш учун қўйидаги вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

1. Матнни аниқлаштириш
2. Манбани интерпретациялаш
3. Манбанинг яратилиши (келиб чиқишини) аниқлаш.

Манбанинг матнини аниқлаштиришда қўйидагилар вазифаларни бажариш кўзда тутилади:

- матнни ўқиб чиқиш ва унинг мазмунини англаш;
- манба матни яратилган вақтдан кейинги даврларда унга қўшимча

қилинган матнларни
(кўшимчаларни, изоҳларни,
маълумотларни) аниклаштириш;

- кўшимча матнларнинг асл нусхадаги
матнларга бўлган мутаносиблик
даражаси ва муносабатини аниклаш;
агар матн асл нусхага тегшили бўлмаса,
мазкур матннинг яратилиши тарихини
аниклаштириш, манба матнининг
дастлабки нусхасини (кўринишини) ҳамда
муаллифга тегишли асл нусхасини тиклаш
ва бошқа шу кабиларни бажариш мақсадга
мувофиқдир.

Манбани

интерпретациялаши: бу шундай
тушунчаки, бу жараёнида манбадаги
конкрет фактлар (далиллар) ҳақида,
ҳодисалар ва жараёнлар ҳақида айнан
нималар (ёки қандай маълумотлар ва
ахборот) ҳабар қилинмоқда эканлигини
аниклаш, манбадаги матн таркибидаги
тўғри маънодаги ва кўчма маънода
келтирилган фикрларни (маълумотларни)
тўғри талқин қилиш, маҳсус атамалар,
ишоралар, ўҳшатишларнинг маъноларини
очиб бериш жараёnlари тушунилади.

Манбанинг яратилиши (келиб чиқиши)
тарихини ўрганиш муаллифнинг номини
(атрибуларини – ўзига хос алоҳида
маҳсус белгиларини) аниклаш, манбанинг
яратилиши вақти, жойи ва шароитларини
ўрганишдан иборат. Манбанинг
яратилиши вақти ва жойи билвосита
хусусиятлари, палеография услублари,
метрология, дипломатика ва бошқа
ёрдамчи тарих фанлари хусусиятларига
асосланиб хulosалар (хукм) чиқарилган
ҳолда маълум даражада тахминий ҳам
бўлиши мумкин. Тахмин қилинган барча
хусусиятларнинг бир-бирига мос келиши

эса қўйилган вазифанинг бажарилганлигини билдиради. Атрибутлари – ўзига хос алоҳида маҳсус белгилари (мазмуни, тили, баён этиш услуби, ёзуви, хуснихати) кўп ҳолларда ишончли бўлмайди ва улар ҳужатларга асосланилаги ҳолда ўз тасдигини ёки исботини топгунига қадар вақтингачалик фаразлар деб ҳисобланishi мақсадга мувофиқдир. Тадқикотнинг биринчи босқичи якунларига асосан тадқикотчи манбанинг асл нусха эканлиги (ёки асл нусха эмаслиги) юзасидан ўз хуносаларини бериши мумкин бўлади. Бироқ бунда вазифанинг маълум қисми бажарилмаган бўлади, яъни бу манбанинг ўзига хос алоҳида аломатларига ва белгиларига хос унсурларнинг тўлик равишда аниқланмаганлигидир.

Манбалар таҳлилининг кейинги босқичларида қўлланиладиган услублар манба таркибида мавжуд бўлган ахборотнинг хусусияти билан боғлиқ бўлади. *Ҳужжатли манбалар* (сиёсий ва хукуқий мазмундаги ҳужжатлар) мазмун жиҳатдан исботга муҳтоҷ эмас. Бироқ айни вақтда бундай ҳужжатларнинг ахборотга эга ва маълумот мазмунидаги айрим қисмлари (преамбула – шартномалар ёки ҳалқаро битимларнинг кириш (изоҳ) қисмлари, кириш қисмидаги тарихий воқеаларга тўхталиб ўтишлар кабилар) ҳам бўладики, уларни манбанинг ички танқидий таҳлил услуби ёрдамида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ҳужжатли манбанинг асл нусха эканлиги аниқлангач, тадқикотчи унинг ижтимоий-маданий мазмундаги жиҳатларини очиб бериш керак. Шунингдек тадқикотчи

манбанинг яратилишидаги аниқ шартшароитлар, яратилиши тарихи, ҳужжатли манба ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни ёки жараёнларга таъсирини ўрганиб, манба таркибидан ўзига (тадқиқот объектига) зарур бўлган маълумотларни (ахборотни) ажратиб олади.

Ҳикоя, баён мазмунидаги манбалар (йилномалар, мемуар - ёдномалар, публицистик матнлар ва бошқалар) нинг ишончлилигни аниқлаб олиш учта вазифанинг бажарилиши билан белгиланади:

- маълумотнинг юзага келишидаги шарт-шароитлар ва вазиятни аниқлаш;
- манба муаллифининг сиёсий қарашларини (сиёсий мансублигини) аниқлаш;
- аниқ баён этилган ахборотни текшириш.

Агар манба воқеа ва жараёнларнинг бевосита иштирокчиси ва жонли гувоҳи томонидан баён этилган бўлса, тадқиқотчи мазкур манба муаллифининг (ахборот берувчининг) тарихий жараённинг содир бўлиши вақтида қандай кузатиш ҳолатида ва иштирок этиш имкониятига эга бўлганлигини аниқлаштириши лозим.

Агар манба муаллифи ўзи гувоҳ бўлмаган ва бевосита иштирок этмаган воқеа ва ҳодиса ёки жараён ҳақида маълумот берадётган бўлса у ҳолда ахборот (маълумот) ўзлаштирилган манбани аниқлаш, маълумотларнинг (ахборотнинг) етказиб берилишидаги аниқлик ва мукаммаллик (тўлиқ бўлиши даражаси) даражасини кўрсатиб бериш талаб этилади. Баён этиб бериш ва ҳикоя

килиш услубида яратилган манбаларнинг барчасини ўрганиш вақтида шуни кўриш мумкинки, аксарият ҳолларда бундай манбаларнинг ишончлилиги даражаси ахборот (маълумот) берувчининг дунёқараси, ўзига хуш келувчи маълумотларга ургу берган ҳолда бошқаларини чеклаши ёки четлаб ўтиши туфайли манбанинг объективлиги – холислиги даражаси пасайиб кетади ва ишонарли бўлмаган манбалар қаторига кириб қолишига сабаб бўлади.

Муайян бир ғоя таъсирида ёндашиш очик-ойдин ҳолатда ёки бирон-бир воситалар (умумий ҳолатда баён этиш, аниқ ва равшан маълумот (ахборот) лар борасида ҳеч нарса демаслик (қайд этмаслик), умумий хусусиятлар оркали кўрсатиб бериш ва бошқалар) билан ниқобланган ҳолатда намоён бўлиши мумкин. Аниқ маълумотларни текшириш жараёнида мантикий таҳлил услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек текшириш жараёнида яна манбанинг таркибидаги маълумотларнинг ички қарама-қаршилиги ва мазмунидаги зиддиятлари ҳамда бошқа манбалардаги маълумотлар билан ҳам тафовутлари борлигини аниқлаш, агар бундай ҳолат мавжуд бўлса уларнинг сабабларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бир-бирига алоқадор бўлмаган ва яратилишида боғлиқ бўлмаган турли манбалардаги маълумотларнинг бир-бирига мос келиши манбаларнинг ишончлилигини тасдиқлайди.

Шу тариқа манбалар таҳлилининг иккинчи босқичида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида тадқиқотчи

манбаларнинг ишончлилиги, асл нусха эканлигини аниқлаб, уларни тадқиқотга жалб этиши ёки аксинча, уларнинг ишончли эмаслиги аниқланган ҳолатда тадқиқот обьекти мазмунидан келиб чиққи ҳолда уларни инкор қилиши мумкин. Тадқиқотга алоқадор барча манбаларни тадқик этиб бўлгач, тадқиқотчи энди уларнинг манбашунослик синтезини амалга ошириши, яъни қўлга киритилган маълумотларни умумлаштириши мумкин. Манбалар тўлиқлиги ва ишончлилиги даражасига кўра ҳамда яратилишидаги ўзаро алоқадорлиги даражасиги асосан кетма-кет бир тизимга келтирилади. Тадқиқот мавзусига оид қўлга киритилган барча маълумотларни жамлаган ҳолда эса тадқиқотчи тадқиқот обьектини ўрганишда манбаларнинг етарли бўлмаган қисмини аниқлайди ва бошқаларига асосланган илмий фараз ёрдамида уларни тўлдиради.

Манбашунослик

- тадқиқот манбаси ва у билан боғлиқ тушунчаларни ўрганадиган фан. Тадқиқот манбаларининг илмий жихатдан классификациялаш (таснифлаш) тамойилларини шакллантиради, манбларнинг ички ва ташки танқидий таҳлили асосларини, алоҳида гурӯҳдаги, алоҳида хусусиятларга эга ҳамда алоҳида мазмундаги манбалар билан ишлаш услубларини ишлаб чиқади. Манбаларнинг таснифланиши, келиб чиқишини ва яратилишини ўрганади, манбаларнинг муаллифлари, уларнинг хақиқийлиги ва ишонарлилиги, тўлиқлиги каби бир қатор жиҳатларини илмий

жиҳатдан ўрганади.

Мантиқ (мантиқийлик)

- мантиқ илми, мантикий фикр (фикрлаш), инкор қилиб бўлмайдиган мантиқ (мантиқан тўғри холоса ёки фикр), ички (мантиқий) қонуният - воқеаларнинг ички қонуниятлар асосида (мантиқий боғланишда) кечиши, мантикий холоса, мантиқий изчиллик, мантиқан тўғри мулоҳаза килмоқ, мантиқий фикр юритмоқ.

Марксизм

- тарихий-фалсафий йўналиш сифатида XIX асрнинг иккинчи ярмида Европада шаклланди. *Марксизм* йўналишининг асосчилари германиялик К.Маркс (1818-1883 йй) ва Ф.Энгельс (1820-1895 йй) ҳисобланади. Улар тарихий материализм гоясини асослаб, барча тарихий жараёнларнинг асосини ишлаб чиқариш муносабатлари ташкил этади, иқтисод омили жамият тараққиётининг асосий омилидир, мазмунидаги ўз фикрларини илгари сурдилар. *Марксистлар* (марксизм тарафдорлари) нинг қарашларига кўра жаҳоннинг умумий тарихи бу иқтисодий ва сиёсий ҳокимият (хукмронлик) учун кураш жараёнидан иборат, бунда синфий кураш тарихий жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва иқтисодий муносабатлар жамият тараққиётининг асосий омили сифатида биринчи ўринга кўйилади. XX аср давомида бу қарашлар асосида тарихий тадқиқотлар амалга оширилган бўлса, асрнинг охирига келиб марксизм назарияси бир ёқлама бўлганлиги учун ундан воз кечилди.

Метод

- (юнонча *methodos* – назария, билим ва тадқиқот йўллари) – у ёки бу мақсадларга эришиш йўллари, услублари, аниқ ва конкрет вазифаларни ҳал этиш усуллари

Метод

- (юнонча *methodos* – назария, билим ва тадқиқот йўллари) – у ёки бу мақсадларга эришиш йўллари, услублари, аниқ ва конкрет вазифаларни ҳал этиш усуллари. Тарих фанида **метод** – тарихий тадқиқотлар жараённада аниқ мақсадга олиб борувчи тадқиқот усуллари ва жараёнлар йигиндисидан иборат, методнинг ўзи назариядан, тадқиқот методикаси ва техникасидан таркиб топади. Ҳар қандай метод назарий жиҳатдан асосланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида объектив ва субъектив хусусият касб этсада, объектив асосга эга.

Бунда методнинг танланиши, унинг тўғри кўлланилиши ва танқидий хуносаларнинг чиқарила олиниши тадқиқотчининг бевосита ўзига боғлиқ ва унинг ўрни асосий аҳамият касб этади.

Маълумки, тарихчи тадқиқотчи методлар йигиндисидан илмий муамони ҳал этиш ва ечимини топишда фойдаланади.

Тарихий тадқиқотлар методларининг тўртта даражаси ва ёндашувлари мавжуд:

- 1. Фалсафий** (ҳар бир фалсафий ёндашув тарихга нисбатан ўз қарашларига эга)
- 2. Умумфган** (табиий ва гуманитар фанларда кўлланилади)
- 3. Махсус-тарихий** (фақатгина тарих фани тадқиқотларида кўлланилади)
- 4. Аниқ-муаммовий** (тор доирадаги тадқиқотлар учун).

Тадқиқот методларининг юқоридаги ҳар тұрталаси үзаро бир-бири билан боғланған бўлиб, аник-муаммовий ва маҳсус-тарихий услублар умумфандардан асосланади. Ҳозирги вактда тарихчилар фанлараро ёндашув – бошқа фанлар методларини ҳам тарихий тадқиқотларда кўлламокдалар.

Методология

- (юонча «метод» ва «логос» - фан, илм) - фан методологияси – илмий билишнинг шакллари, услублари ва тузилиш тамойиллари ҳақидаги фан. *Методология* билишнинг фалсафий назарияси, социология ва тарихшунослик асосида шаклланади. Табиийки, билиш назарияси масалалари бу фанда асосий ўрин тутади, бироқ бу билан асосий эътибор шунга қаратилиши мумкин эмес, балки назарий билимлар тарихий тадқиқотлар амалиёти билан мукаммаллаштирилиши лозим. Бундай тарихий тадқиқотлар файласуфлар томонидан амалга оширилмайды, шунинг учун уларнинг тарих фани методологияси борасида билдирган фикрлари кўп ҳолларда баҳс ва мунозарага сабаб бўлади, аксарият ҳолларда эса тарихчи – амалиётчилар уларнинг фикрларини тўғридан -тўғри инкор қиласидилар.

Метрология

- ўлчовлар ҳақидаги фан, (юон. *метрон* - ўлчов, *логос* – тушунча – билим; ўлчовлар ҳақида тушунча) ўтмишда турли мамлакат ва халқлар орасида амалда бўлган оғирлик, масофа ва сатҳ ўлчовларини ўрганади

Моделлаштириши

- тарихий ҳодисаларнинг андозасини, шаклини, ҳолатини тузиш,

шакллантириш. Билиш объектларини (кўпинча физикада) уларнинг моделлари ёрдамида тадқиқ қилиш. Моделлаштириш асосида тадқиқот обьекти билан унинг модели ўртасидаги ўхшашлик, мувофиқлик ётди. Ҳозир бу метод илмий тадқиқот жараёнини енгиллаштиради.

Мукаммал тавсифлаш услуби

- (рус. Метод плотных описаний) - бир тадқиқот обьектининг ўзига хос жиҳатларини синхрон таҳлил қилиш услуби. Бунда асосий вазифа тадқиқот обьектининг ўзига хос жиҳатларини (таржимаи ҳолини) максимал даражада ўта мукаммал акс эттириш (тавсифлаш), унинг “инқизоз ҳолатларини”, яъни - бирор-бир фавқулодда ҳолатга (ходисалар, воқеалар, жараёнлар кабилар) бўлган таъсирини ва бу таъсир орқали унда содир бўлган ўзгаришларни аниклашдир. Услуб шахснинг қарашлари ва таржимаи ҳолидаги синхронликдан келиб чиқади, яъни, тадқиқот обьектининг қарашларида (ёки содир бўлиш жараённада) бирданига ёки аста – секинлик билан содир бўлган ўзгаришларни назарий жиҳатдан ёки амалий жиҳатдан саволлар ёрдамида шакллантирилади.

H

Назария (теория) Неокантчилик Нумизматика

Назария (теория)

- (юонон тилидан “theoria” – кўриб чиқиш, тадқиқ этиш) таълимот, илмий тамойиллар (принциплар) тизими (системаси),

қоидалар мажмуи, фикр, мулохаза, нұктаи назар, назария. Фаннинг у ёки бу соҳаларидағи асосий ғоялар тизими, воқеликнинг моҳият жиҳатдан боғлиқлиги ва қонуниятлари ҳакида түлақонли тасаввур қилиш имконини берувчи илмий билиш шакли

Неокантчилик

- Неокантчиларнинг қарашларика ижтимоий ҳәётда ҳеч қандай қонуниятлар мавжуд эмас, тарихчининг субъектив ҳатти – ҳаракатлари (бошидан кечирғанлари, күргапн билғанлари) - билишнинг энг асосий воситасидир, тарихий далиллар – билишнинг асосий далилларидир деб ҳисоблайдилар. Фандаги (илмдаги) онг, ақл, идрок ҳақида (бунга тарихни ҳам құшадилар) билишнинг энг асосий воситаси бу – тушуниш ва интуиция (сезирлик) дир деб күрсатадилар. Неокантчиларнинг таъкидлашича, тарих индивидуал, алохидә конкрет ҳолатлар билан боғлиқ бўлади, тарих поэзияга ва санъатга яқин бўлиб, кўпроқ тавсифий хусусиятига эгадир.

Нумизматика

- (Numismatics. Лотинчадан Numisma – монета, танга) -- ёрдамчи тарих фани соҳаси бўлиб, тангалар ва тангалардан иборат ҳазиналарни тарихий, иқтисодий, маданий ёдгорлик сифатида ўрганади. Нумизматика шунингдек, тангаларни зарб қилиш ишларини ҳам ўрганади. тангалар ва уларнинг тарихини ўрганувчи ёрдамчи тарих фани соҳаси, тангашунослик. Қадимий пулларни, ашёси, шакли, вазни, ёзувлари, зарб этилган жойи ва вактини текширади.
«Нумизматика» термини ўрта асрдан эътиборан танга пуллар ҳақидаги фаннинг

номи сифатида ишлатила бошланди. Танга - бу белгиланган формадаги металл құймаси. У ўзининг оғирлигига, қийматига, сифатий таркибиға эга бұлади ва қонуний муомала воситаси хисобланади.

Пуллар, улар қандай күренишга эга бўлишдан қатъий назар, қиймат ўлчови, муомала воситаси, ҳазина тўплаш, тўлов воситаси, жаҳон пули функцияларини бажаради.

Нумизматика танга ва қофоз пулларнинг, орден ва медалларнинг юзага келиш тарихини ўрганади, шу асосда фаннинг турли соҳаларига, жумладан тарих ва археология, сиёсий иқтисод, тилшунослик ва санъатшуносликка оид масалаларни ҳал этиш ишига яқиндан ёрдам беради.

Биринчи танга пуллар эр.авв. XII асрға оид бўлиб, улар даставвал Хитойда, кейинчалик Ҳиндистонда муомалага чиқарилган. Чунончи, Геродот ва Ксенофотларнинг маълумотига кўра, биринчи олтин ҳамда кумуш тангалар эрамиздан олдин-ги VII асрда Кичик Осиёнning Лидия давлатида зарб қилинган. Кейинчалик Қора дengiz бўйидаги кўпгина грек мамлакатлари ва давлатларидаги йирик шаҳарларда танга пуллар зарб этишган. Демак, эр.авв. VII асрда тангалар Ўрта Ер денгизи районларида пайдо бўлган. Лидия (кичик Осиё – давлати) ва Грек ороли Эгина бу ерда чиқарилган танга пулларнинг ватани хисобланади. Кейинчалик у бутун Элладага ва унинг колонияси Эрон, Италияга тарқалди. Русча «монета» сўзи аслида лотинча бўлиб, Пётр I даврида кенг ишлатила бошланган. Қадимги Римда

Юнна Монета деб ишлатилган, Худо Юнона шарафига шундай деб номланган. Монео огохлантираман, саклайман, башорат қиласман деган маъноларни билдиради. Римликлар Юнона шарафига Капитолий тепалигига ибодатхона курдилар. Худди шу ибодатхона хузурида эр.авв. IV асрнинг 2-нчи ярмида Римда биринчи марта пул чиқариш устахонаси очилган. Бу ерда ялпок, мис пуллар – асслар зарб қилинган. Рим ёзма манбаларида «монео» термини билан бир қаторда «нумизма» термини ҳам учрайди.

O**Ономастика**

Ономастика

- Исмларни ўрганади, тарихий ономастика эса уларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганади

П

- Палеография**
 - Папирология**
 - Парахронизм**
 - Плюрализм**
 - Позитив**
 - Позитивизм**
 - Позитивистлар**
 - Полисемантизм**
 - Постмодернистлар**
-
-

Палеография

- (юон. paleos - қадимий, grapho – ёзаман; қадимий ёзув) ёрдамчи тарих фани соҳаларидан бири бўлиб, ёзув, график шакллар тарихини ўрганади. Палеографиянинг алоҳида тармоқлари мавжуд бўлиб, улар ёзув белгиларни, ёзув ашёларини, ёзув қуролларини, филигранъ (сувтамға - қоғозга оддий қараганда кўринмайдиган қилиб туширилган, ёрукка тутгандা кўринадиган рақам, сурат, белги: русчада - водяные знаки)ларни, қоғоздаги кўринадиган белгиларни ва тасвиirlарни, бадиий безакларни, муқоваларни ва бошқа шу кабиларни уларнинг тарихий тараққиёт даражаларини ўрганади. Қадимий қўл ёзма асарларнинг қоғози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усулларини текширади. Қадимги қўл ёзмаларнинг хати ва ташқи кўринишларини ўрганувчи фан, шунингдек унинг тармоқлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардир: **эпиграфика** (қадимги ёзувларни ўрганадиган фан) ва **папирология** (папирус қоғозига ёзилган қадимий қўл ёзмаларни ўрганувчи фан).

Папирология

- палеография фанининг бир тармоғи бўлиб, папирус қоғозига ёзилган қадимий қўл ёзмаларни ўрганувчи фан

Парахронизм

- (юон. Parachronos, Para – қарама-қарши, хилоф равища, Chronos – вакт) – хронологик хатолик, бирор-бир воқеанинг санасини айнан содир бўлган вактдан кейинги даврга боғлаб кўрсатиш.

Плюрализм

- борлиқнинг ёки билим асосларининг бир неча ёки жуда кўп мустақил бошланғичи

мавжуд деб даъво килувчи сохта фалсафий таълимот.

Позитив

- тажрибага, фактларга асосланган.

Позитивизм

- XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб инглиз олими О.Конт томонидан илгари сурйлган. Позитивистлар ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар конкрет фанларнинг маҳсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган гояга асосланган субъектив қарашга эга эдилар. Позитивистлар аниқ далилларни қарор топтириш ва уларни тавсифлаб бериш, далилларни текшириш ва манбаларни танқидий таҳлил қилишга эътибор қаратиши керак, деб хисобладилар. Позитивистларнинг фикрича, жамиятнинг тараққиёт конунлари бу табият қонунларининг давомидир. Тарихчи позитивистлар илгари сурган услублардан бири бу тарихий таққослаш услубидир. Асосий камчиликлари – позитивистлар тарихда ҳодисаларнинг ички сабаб-оқибат алоқадорлиги имкониятларини инкор қилдилар ва тарихчининг асосий базифаси тарихий ҳодисалар содир бўлишининг “нима учун содир бўлди” деган саволга эмас, балки “қандай содир бўлди” деган саволга жавоб беришдан иборат деб хисобладилар.

Позитивистлар

- (позитив -тажрибага, фактларга асосланиш). Позитивистлар тарихни “позитив” билимга айлантиришга ҳаракат қилдилар. Бу тушунчанинг моҳияти шундаки, позитивистлар ҳамма ҳақиқий, позитив билимлар конкрет фанларнинг

маҳсулидир, фалсафа эса бундай билимларни бера олмайди, шунинг учун унинг кераги йўқ, деган гояга асосланган субъектив қарашга эга эдилар. Улар тарихий далиллар билан қандай ишлаш, манбаларни таҳлил қилиш бўйича бир қанча методларни ҳам таклиф қилганлар.

Полисемантизм

- кўпмаънолилик.

Постмодернистлар

- тадқикот объектини субъектдан, далилларни уйдирмадан алоҳида ажратмайдилар ва объектив ҳақиқатга эришишини шубҳа остига қўядилар.

Рационалист

P

Релятивизм - релятивистик

Релятивистик ёндашув (релятивистлар)

Ретроспектив услуг

Рационалист

- ҳаётга ақл кўзи билан қаровчи, мулоҳазакор, ақл-идрокка асосланган хукм (фикр). Фалсафада рационализм - тафаккурни ҳиссий тажрибадан ажратиб қўядиган ва ақлни билишнинг бирдан-бир манбаи деб хисобладиган фалсафий оқим. Тарих фанидаҳар қандай тарихий жараённи ақл-идрок, мулоҳазакорлик ва илмийликка асосланган ҳолда тушуниш ва талқин қилиш.

**Релятивизм -
релятивистик**

- воқеликни объектив равишда билиш мумкинлигини инкор этадиган методологик ғоя, унга нисбийлик асосида ёндашиш тарафдорлари.

**Релятивистик
ёндашув
(релятивистлар)**

Ретроспектив услуг

- **Қаранг: Релятивизм - релятивистик**

- ретроспективлик, ўтмишга қаратилғанлик. Тарихий тадқиқотларда бугунги кундан ўтмишга ёки натижә ва оқибатлардан сабабларга йўналган ҳолда тарихни тадқиқ этиш услуги; бугунги кундан ўтмишга ёки натижә ва оқибатлардан сабабларга йўналган бўлади. Ўтмишнинг сакланиб қолган элементлари орқали ўша ўтмишни реконструкция (қайта тиклаш) қилиши мумкин. Ўтмиш билан танишиш жараёнида бугунги мавжуд ҳолатларни юзага келиши босқичлари ва шаклланишини аниқлаш мумкин.

C

Санъат тарихи
Семиотика
Сиёсий тарих
Синтез
Синхрон услуг
Структурализм
Субъективлик
Сфрагистика

Санъат тарихи

- Санъатшуносликнинг бўлими бўлиб, санъатнинг пайдо бўлишидан бошлаб бугунги кунгача бўлган тарихий жараёnlарини ўрганади.
Санъат тарихи ҳақида тарихчиларнинг ўз нуқтаи-назарлари мавжуд. Агар санъатшунослар санъат асарининг

яратилиши санаси, муаллифлги ва услуби каби жиҳатларини биринчи ўринга қўйсалар, тарихчилар эса мазкур санъат асарининг яратилишидаги шартшароитлар, композициялар, контекстлар, интеллектуал ва ижтимоий тарихи жиҳатларини асосий ўринга қўядилар. Тарихчи асар яратилган давр тадқики жараёнида ўша даврнинг эстетик карашларини ҳам ўрганиш билан бир вактда ўзи ҳам бу соҳада маълум билимларга эга бўлиши лозим. Санъат тарихини чукур ўрганиш тадқик этилаётган давр маданий ҳаёти тарихини кенгрок ва батафсилоқ тушуниш ва тадқиқ этишда мухим ўрин тутади. Шу нуқтай-назардан ўрганилаётган давр тарихи ҳакида маълум билимларга ва маълумотларга эга бўлган тарихчи тадқиқотчида санъатшунос тадқиқотчидан фарқли ўлароқ маълум даражада имкониятлар кўпроқ бўлади.

Семиотика

- (юнон тилидан “semeion” – белги, нишон). Кишилик жамиятидаги, табиатдаги ёки кишининг ўзидаги ахборотни (маълумотни), қонунларнинг мазмуни, белгилар тизими (аксарият ҳолларда табиий ва сунъий тиллар, маданий ҳаётнинг айрим соҳалари оид маълумотлар, жумладан афсоналар, маросимлар ва уларнинг жиҳатлари, тизимларини) бериш йўлларини тадқик этувчи фан соҳаси.

Сиёсий тарих

- тарих фанининг энг дастлабки юзага келган тармоқларидан бири бўлиб, бу тарих ўз таркибига фуқаролик жамияти тарихини, сиёсий воқеалар тарихини, сиёсий тизимларни бошқариш ва ижро

этувчи ҳокимият тарихини киритган ҳолда тарих фанининг ўрганилишини маълум даражада ўзгариб боришига таъсир кўрсатди. Инглиз тарихчиси Д.Элтонинг фикрича, *сиёсий тарих жамиятнинг таркиби бўлган инсон фаолиятини ўрганади*. Бунда асосий эътибор инсон фаолиятини фақатгина тавсифлаб беришга эмас, балки уни тушуниш ва идрок этишга йўналтирилган бўлиши керак. Мазкур тарихчи ўз фикрини давом эттириб, сиёсий тарих статистикага буткул боғлиқ бўлиб қолмасдан, абстракциядан қочиш ва фақатгина ижтимоий тарихни ёзмасдан, инсон фаолияти ва инсонлар билан муносабатга киришиш керак, деб кўрсатади. Бироқ тарихни ёзишда социологияга кўпроқ эътибор қаратувчи бир қатор тарихчилар Д.Элтонинг бу фикрларини маъкулламайдилар ва асосий кимматли маълумотларни ижтимоий таридан олиш керак деб хисоблайдилар. Кўп ҳолларда сиёсий тарихчилар ўз диққат – эътиборларини илсонлар тақдирига кўпроқ таъсир этувчи сиёсий ҳокимият фаолиятини ўрганишга қаратадилар. Шунга кўра тадқиқотлар кўлами ҳам кенгайиб боради, яъни аҳолининг ҳаракатлари, алоҳида муаммолар, хаттоки оммавий маданият ҳам сиёсий тарихчилар диққат эътиборидан четда қолмайди. Тарих фанининг бу тармоғини ривожлантиришда тарихчи Э.Хобсбоум катта ўрин тутади. У тарихни факатгина “олий сиёsat” соҳасида эмас, балки низолар ва келишмовчиликлар, иқтисод, ижтимоий психология ва бошқа бир қанча гурӯхларга бўлиб ўрганишни таклиф

этади.

Синтез

- ходисаларни ўзаро боғланган, бир бутун ҳолда текшириш, олинган натижаларни умумлаштириш, улардан бир бутун хуласа чиқариш

Синхрон услугуб

- Синхронлик хусусиятига эга бўлган, синхрон равишда (бир вақтда, баравар) содир бўладиган. Бир вақтда содир бўлган турли тарихий воқеаларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқот услуби. Бир вақтда содир бўлган турли тарихий воқеаларни ўрганишга йўналтирилган. Жамиятда ҳар қандай ходиса ўзаро боғлиқлиги сабабли бу методдан тизимли ёндашишида фойдаланиш бу боғлиқликни очишига ёрдам беради.

Бу эса у ёки бу минтақада содир бўлган тарихий жараёнларни тушунтиришга имкон яратади, шу билан биргаликда уларнинг иқтисодий, сиёсий ҳамда турли давлатларнинг халқаро алоқаларига таъсирини кузатиш имконини беради.

Структурализм

- тарихда тарихий воқелик, ходиса ва жараёнларни уларнинг ички таркибий жараёнлари ва ҳодисалари тизими, уларнинг ўзаро боғланиши ва муносабатларни текширувчи сифатида караш

Субъективлик

- *фалсафа фанида* ташқи, моддий дунё мавжудлигини инкор этиб, улар фақат одамларнинг онгидагина мавжуд деб қарайдиган фалсафий оқим; *тарих фанида* эса тарихий воқелик ва тарихий жараёнларга, уларнинг тадқики ва талқини жараёнида холис (объектив)

Сфрагистика

бўлмаган, ўз мансублиги ва дунёкараши жиҳатидан келиб чиқсан ҳолдаги илмий бўлмаган ёндашиш.

- Сфрагистика (юононча sphragis – муҳр), сигиллография (лотинча sigillum – муҳр ва юононча grafo – ёзаман) - тарих фанининг муҳрларни ўрганадиган соҳаси. Муҳр деб қаттиқ материалдан ясалган штамп – матрица ва унинг хужжатдаги изи, тасвирига айтилади.

Сфрагистика XVIII асрда дипломатиянинг бўлими сифатида шаклланган ва унинг вазифаси хужжатнинг вақтини аниқлаш ва ундаги муҳрга қараб ҳақиқийлигини тасдиқлашдангина иборат бўлган. XIX асрнинг охиридан бошлаб, илмий доираларга қазишималар чоғида топилган ва хужжатдан алоҳида бўлган муҳрларнинг (қадимги Миср, Бобил, Хинд, Парфия, Рус муҳрлари ва х.к.) кўплаб кириб келиши билан сфрагистика алоҳида фан сифатида янги даврни бошлади. Давлат аппаратининг ҳар қандай ислоҳатларини хронологик туркумлаш орқали қадим давлат институтларининг шаклланишини ўрганишда сфрагистиканинг аҳамияти кучайди.

Сфрагистика фанининг асосчиси сифатида Михаил Гейнекций (1709 й) нинг номини келтириш мумкин. Иоганн Гейманн, Ф.Геркен, Гаттерер, Ледебур, князь Гогенлоэ-Вальденбург, Зейлер (сфрагистикага оид "Abriss der Sphragistik" (Вена, 1884) ва "Geschichte der Siegel" (Лиц., 1894). асарларининг муаллифи) каби олимлар бу фанинг ривожланишига катта ҳисса қўшишган. Сфрагистиканинг ўрганиш обьекти

хақидаги фикрлар француз олими Г.Шлюмберже, рус олими Н. П. Лихачёвларнинг асарларида ўз ифодасини топди. Сфрагистиканинг вазифаси хужжатлардаги мухрларни ўрганиш орқали уларнинг аслини аниқлаш ва тасдиқлашдан иборат. Аммо унинг вазифаси фақат шу билангина чекланмайди. Давлат ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва давлатнинг шаклланиш босқичларини ўрганишда ҳам сфрагистик маълумотлар муҳим аҳамиятга эга.

Сфрагистика материаллари амалий санъат, геральдика, нумизматика, ономастикани ўрганишда, қадимги архивлар таркибини аниқлашда ҳам муҳим манба ҳисобланади.

-
- Тадқиқотнинг илмий-маълумотнома ашпарати**
Тамойиллар
Тарихий информатика
Тарих
Тарих фалсафаси
Тарих фани
Тарих фани ва тарихий билимларнинг бошқа шакллари
Тарих фани ва тарихий билишининг асосий мақсади
Тарих фани методологияси
Тарих фани обьекти ва предмети
Тарих фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги
Тарих фанининг ижтимоий вазифалари
Тарих фанининг соҳалари
Тарих фанининг тармоқлари
Тарихда математик услублар
-

**Тарихий антропология
Тарихий география
Тарихий социология
Тарихийлик (тарихийлик тамойили)
Тарихий – тизимлилик услуби
Тарихий манбалар
Тарихий таққослаш услуби
Тарихий хариталар (карталар)
Тарихий-генетик услуб
Тарихий-типологик услуг
Тарихшунослик
Таснифлаш
Таҳлил
Текстология
Тизимлилик (системалик) тамойили.
Типология
Типологиялаш**

**Тадқиқотнинг
илмий-
маълумотнома
аппарати**

- *эслатма ва изоҳлар* (яъни тадқиқот ишининг саҳифаси остидаги изоҳлар, шу саҳифада келтирилган матнни (маълумотни) изоҳлар билан таъминлаш ва матнга (ёки унинг муаллифига ёки манбасига) изоҳлар бериш), *иқтибос ёки ҳавола (ссылка)* келтириш (яъни, тадқиқот ишининг саҳифаси остида шу саҳифада келтирилган матннинг (маълумотни) тӯғри ёки нотӯғрилиги, ишонарли ёки ишонарли эмаслиги каби хусусиятларини акс эттиришда, ёки тадқиқотчи ўзининг фикрини бошқа манбалардаги маълумотлар ва далиллар билан кувватлантироқчи бўлганида ёки исботламоқчи бўлганида бирламчи манбаларга таяниши ва бирламчи

манбалардан далиллар келтириши). Шунингдек *тадқиқотнинг илмий – маълумотнома аппаратига* тадқиқотга жалб этилган ва тадқиқот жараёнида фойдаланилган *манбалар* ҳамда *адабиётлар рўйхати*, тадқиқот объективининг айрим алоҳида ўзига хос хусусиятлари ва жиҳатларини кўрсатиб берувчи, тадқиқот матнида келтирилган маълумотларни мустаҳкамловчи, тадқиқотнинг илмий аҳамиятини оширишга хизмат қилувчи манбаларнинг нусхалари, хужжатларнинг нусхалари, фотосуратлар, жадваллар, чизмалар, лугатлар, изоҳлар, сўровномалар натижалари ва тадқиқот мазмунидан келиб чиққан ҳолда бошқа маълумотлардан таркиб топган *иловалар* ҳам киради.

Тамойиллар

- тадқиқотчига нисбатан қўйилган талаблар. *Билиш тамойиллари* тадқиқотчига тадқиқот жараёнидаги вазифаларни бир маромда маълум тартибларга асосланган ҳолда амалга оширишида зарур бўладиган омиллардир. Улар тадқиқотчининг у ёки бу тарих мактаблари, фалсафий йўналишларга мансублиги ва дунёқараши, фикрлаши ва тафаккуридан келиб чиққан ҳолда аникланади. *Тамойиллар* услублар билан мустаҳкам ўзаро боғлиқликда бўлганлиги учун айрим ҳолларда уларни бир-бири билан адаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш ўринлики, *тамойиллар* услубларга нисбатан бир мунча мураккаб ва кенг тушунча бўлиб, бир тамойил ўзига боғлиқ ҳолда бир неча услубларни шакллантириши мумкин, айни вақтда эса

бир услуб бир неча тамойилларга хизмат қилиши мумкин.

Тарих

- (юонча “*historia*” – ўтмишни тавсифлаш, ҳикоя қилиш). Ижтимоий фанлар мажмуаси (тарих фани) бўлиб, инсониятнинг бутун ўтмиши двомидаги иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги жараёнлар ва воқеа-ҳодисаларни аниқ-конкрет ҳолда ва турли услублар ёрдамида даврларга бўлинган ва умумий ҳолда ўрганади. Тармоқлари: иқтисодий тарих, сиёсий тарих, маданият тарихи, ҳарбий тарих, дипломатия тарихи, тарихий география ва бошқалар. Таркибий қисмлари маҳсус тарихий фанлар ҳамда археология ва этнология. Фан ва маданият тарихи, санъат тарихи шу соҳаларни билан боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Тарихий информатика

- маҳсус фан сифатида шакллантирила борилиб, унинг жиҳатларига аниқлик киритила бошланди. Унга кўра, тарихий информатика тарих фани ва таълими жараёнларини ахборотлаштиришга йўналтирилган илмий фан бўлиб, унинг таркибига ҳамма турдаги тарихий манбаларнинг электрон шаклларини яратиш ва шакллантириш борасидаги барча назарий ва амалий билимлар киритилди. Бунда унинг назарий асоси сифатида назарий манбашунослик ва ахборотнинг замонавий тамойиллари, амалий асоси сифатида эса компьютер технологиялари ва у билан боғлиқ жиҳатлари кўрсатилди. **Тарихий информатиканинг** фан соҳасидаги қизиқишилари маҳсуслаштирилган

таъминотлари, маълумотларнинг банки ва тарихий базаларининг щакллантирилиши, тизимлаштирилган, матнли, тасвирий ва бошқа манбалар ва улардаги ахборотни тасаввур қилишида ахборот технологияларининг қўлланилиши, тарихий жараёнларнинг компьютерлаштирилган моделларини яратиш, Интренетдан фойдаланиш ва тадқиқотлар жараёнларида унинг қўлланилиши, мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ва уни ривожлантириб бориш, шунингдек таълимда ахборот технологияларидан фойдаланиш этиб белгиланди (Л.И.Бородкин).

Тарих фалсафаси

Фалсафа фанининг бир бўлими бўлиб, тарихнинг мазмуни, унинг қонуниятлари, инсоният тараққиётининг асосий йўналишлари ва тарихий билиц масалалари билан шуғулланади.

Тарих фалсафасининг намоёндалари (“тарих фалсафаси” атамаси фанга Вольтер томонидан киритилган) тарихни ҳаракатлантирувчи куч бу - илохийдир (Августин), тарихни ҳаракатлантирувчи куч бу - илохий онгдир (И.Г.Гердер), тарихни ҳаракатлантирувчи куч бу - абсолют (мутлак) руҳдир (Гегель), тарихни ҳаракатлантирувчи куч бу - инсоннинг ўзгармас табиати ва унинг табиий шарт - шароитларидир (маърифатпарварлар, Л.Фейербах) мазмунидаги турли фалсафий ёндашувларни илгари сургандар.

Тарих фани

- **Тарих фани** – 1. бу илмий ижтимоий институтлар, профессионал

тадқиқотчилар, илмий билиш фаолияти турлари, аниқ (конкрет) жамиятлар ва уларнинг ўтмишдаги ва бугунги кундаги тараққиёти жараёнлари, шунингдек ёрдамчи тарих фанлари ҳамда аниқ (конкрет) - тарихий ва ҳаққоний илмий билим олишга йўналтирилган, бу орқали илмий билишга эришилган фаолият ва уни қўллаш учун зарур бўладиган фаолиятлар тизимиdir.

2. Кишилик жамиятининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида содир бўлган барча воеа, ҳодиса, жараёнларни ўрганадиган фан.

Тарих фани ва тарихий билимларнинг бошқа шакллари

-
- 1. *Илмий тарихий билим* – бу объектив (холисона), тизимлаштирилган, тарихий жараёнлар, улардаги конкрет жамият ёки жамиятлар тараққиёти ҳақидаги ишончли ва конкрет билимлар.
- 2. *Кундалик тарихий билим (онг)* – илмий тарихий билимлардан кескин равишда фарқланиб, узук-юлуқ, тизимлаштирилмаган шаклдаги, ишончли бўлмаган, субъектив қарашларга мойил бўлган, тарихий жараёнларни фақатгина ҳодиса даражасида баҳолайдиган, жиддий сабаб-оқибатли алоқадорликни акс эттирудиган тарихий билим.
- 3. *Дидактик тарихий билимлар* – илмий тарихий билимлардан фарқли равишда баён этиш шакли оддийликдан мураккабликка йўналтирилган ва айни вактда мураккаблик даражаси ёшга боғлиқ ҳолда ўкувчиларнинг психологик-билиш имкониятларини ҳамда

ўқитишини инобатга олиб шакллантирилган билимлар.

4. Илмий-оммабоп тарихий билимлар

– тарихий илмий билимларнинг соддалаштирилган шакли бўлиб, мутахассис бўлмаганлар учун мўлжалланган.

5. Публицистик тарихий билимлар – у ёки бу сиёсий партияларнинг сиёсий қарапарини асослаш учун тарихий жараёнларни субъектив қарапардан келиб чиқкан ҳолда хатоликларга йўл қўйган ҳолдаги ва нотўғри талқин қилинган ҳолдаги тавсифлаш ва тушунтириш.

6. Бадиий тарихий билимлар – адабиёт, рассомлик, ҳайкалтарошлиқ, театр ва бошқалар – конкрет тарихий воқеаларни тушунтириш ва қайд этиш, маънавий ахлоқий жиҳатдан баҳолаш, эмоционал-психологик муносабатларнинг ижтимоий тажрибаларини образли шаклда акс эттириши ўз олдига вазифа қилиб қўяди.

Тарих фани ва тарихий билишнинг асосий мақсади

- **Тарихий билишининг асосий мақсади** – аниқ (конкрет) жамият тараққиёти ҳақида ишончли тарихий, объектив (холис), тизимли, тарихий ҳақиқатга эришиш ҳисобланади.

Тарих фани методологияси

- илмий билиш фаолияти бўлиб, тарихий тадқиқотларнинг ишланиши, таҳлили ва ўрганилишига қаратилган фаолиятдир. Методология илмий муаммоларнинг қўйилиши характерини аниқлайди, уларнинг ечилишидаги энг мақбул принциплар ва йўналишларни аниқлайди,

Тарих фани объекти ва предмети

тадқиқот методларини танқидий баҳолайди ва таҳлил қиласи.

Тарих фани объекти – бу инсониятни ташкил этувчи жамиятлар мажмуудир.

Тарих фани предмети – бу аниқ (конкрет) жамият ва унинг шакллангандан бошлаб таназзулигача замон ва макондаги тараққиёти бир бутун ҳолатда ва айни вактда унинг ички таркибий тузилишлари, шунингдек бошқа аниқ (конкрет) жамиятлар билан алоқадорлиги ва муносабатларидир.

Тарих фанининг бошқа фанлар билин алоқадорлиги

Ижтимоий фанлар ўрганиш предметларига кўра бир-бирларидан фарқлансаларда умумий тадқиқот обьектларига эга бўладилар. Ҳар қандай ижтимоий фан жамиятнинг тўлиғича, айни вактда у ёки бу соҳаларининг умумий ҳолатда ва айни вактда ўз хусусиятларидан келиб чиккан ҳолда ўрганадилар. Бунда тарих фани эса аниқ ва конкрет жамиятнинг тараққий этишини (ёки таназзулини) тўлақонли равишда ва айни вактда у ёки бу ҳолатига кўра жамият тизимининг барча босқичларини, шунингдек аниқ бир инсон ҳаётигача бўлган соҳаларни тадқиқ этади. **Бунда қўйидаги қўйидаги фанлар билан соҳалар бўйича алоқадорлик асосий омиллар ҳисобланади:**

1. *Иқтисод* – умумий алоқадорликда бўлиб, замонавий жамиятнинг иқтисодий ҳаёти соҳасини ўрганади;
2. *Сиёсатшунослик* – умумий алоқадорликда бўлиб, замонавий жамиятнинг сиёсий ҳаёти соҳасини

- ўрганади;
3. **Давлат ва хуқуқ назарияси** – умумий алоқадорликда бўлиб, давлат тараққиёти ва ривожланишини умумий (мукаммал) ҳолда ўрганади;
 4. **Маданиятищунослик** - умумий алоқадорликда бўлиб, маданий ҳаёт соҳасидаги алоҳида ва конкрет шаклланиши, тузилиши ва тараққий этишини ўрганади;
 5. **Фанишунослик** - умумий алоқадорликда бўлиб, фаннинг алоҳида ва конкрет ривожланиши, шу жумладан тарих фанининг ривожланишини ўрганади;
 6. **Социология** - умумий алоқадорликда бўлиб, замонавий жамиятнинг тузилиши ва вазифалари, жамиятдаги ижтимоий грухлар, ижтимоий онг мазмуни ва ўзгаришларини ўрганади;
 7. **Фалсафа ва фалсафий фанлар** – асосий назарий – методологик йўналишлар бўйича фалсафий дунёқарашни, тарих фаниниг гнесеологик асосларини шакллантиради:
 - **онтология** – категориялар ёрдамида жаҳоннинг ўзида умумий тузилишини акс эттирувчи фалсафий манзарасини, жумладан жамият ва унинг аниқ ва конкрет тарихий тараққиёти ҳақидаги қарашларни шакллантиради;
 - **гнесеология** – дунёни, жумладан тарихий жараёнларни англаш, билишнинг чегаралари, меъёрлари ва имкониятларини асослаб беради;
 - **мантиқ** – илмий тарихий билиш учун зарур бўлган фикрлашнинг шакллари

- амалга оширилишининг тўғри қўлланилишини ажратиб, асослаб беради;
- **эпистемология** – илмий билишдаги умумийликни ўрганади, илмий билиш назариясини ишлаб чиқади, жумладан илмий тарихий билиш назариясини ўрганади;
 - **ижтимоий фалсафа** – замонавий жамиятнинг тузилиши ва вазифавий хусусиятларидағи умумийликни ўрганади ва айни вақтда янги ва энг тарихнинг назарий асосларини яратишда асосий ўрин тутади;
 - **тарих фалсафаси** – умумжаҳон тарихий жараёнларидағи умумий мантиқийликни ўрганади, тарихий жараён назарияси учун илмий дунёкараш асосларини яратади.

Тарих фанининг ижтимоий вазифалари

- **Тарих фани ўзининг асосий мақсадига эришиш жараёнида** - 1. Ҳақиқий ижтимоий ўз-ўзини англашни шакллантириш; 2. Қарор топган жамиятнинг тараққиётини олдиндан кўра билиш; 3. Жамият тараққиёти ва унинг ички соҳалари ва жараёнларини бошқариш кабилар учун илмий шартшароитлар яратади

Тарих фанининг соҳалари

- Тарих фани тарихий билишнинг шакли ёки фаннинг предметига асосланган ҳолда икки соҳага бўлинади:

1. Тарих фанининг асосий соҳалари.

2. Ёрдамчи тарих фани соҳалари

Ёрдамчи тарих фани соҳалари тарихий жараёнларни ўрганмайди, улар тарих фанининг асосий соҳаларини тадқиқ этиш жараёни учун илмий-билиш хусусиятига

эга бўлган шарт-шароитларни яратиб бериб, умумий ёрдамчи тарих фани соҳалари ҳамда маҳсус ёрдамчи тарих фани соҳаларига бўлинади:

Умумий ёрдамчи тарих фани соҳалари:

- Тарих фани методологияси
- Тарихий библиография
- Тарихшунослик (умумий ва муаммовий тарихшунослик соҳаларига бўлинади:

умумий – тарихи фанининг тарихини ўрганади.

муаммовий – тадқик этилаётган илмий муаммонинг ўрганилиши тарихини ҳамда унинг ўрганилиши даражасини аниқлаб беради).

- Манбашунослик – умумий ва маҳсус манбашунослик тармоқларига бўлинади:

Умумий манбашунослик – тарихий манбаларнинг шакллари, моҳияти ва тарихни ўрганишдаги вазифаларини, шунингдек, уларнинг ўрганиш методларини ўрганади.

Маҳсус манбашунослик фанлари алоҳида хусусиятга эга бўлган тарихий манбаларни ўрганади ва уларга куйидагилар киради:

Сфрагистика – муҳрларни ўрганувчи ёрдамчи тарих фани соҳаси, муҳршунослик

Геральдика - гербларни ўрганувчи ёрдамчи тарих фани соҳаси, гербшунослик. Қаранг: Геральдика

Нумизматика – тангалар ва уларнинг тарихини ўрганувчи ёрдамчи тарих фани соҳаси, тангашунослик.

Қаранг: нумизматика

Тарих фанининг тармоқлари

Тарих фани кўп тармоқли фан бўлиб, инсон ва жамият тараққиёти билан боғлиқ бир қатор соҳалар ривожланиши жараёнларининг умумийлиги маҳсулидир. Шундан келиб чиқсан ҳолда кўйидагиларни тарих фанининг асосий тармоқлари сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин:

- **Ҳарбий тарих**
- **Сиёсий тарих**
- **Иқтисодий тарих**
- **Ижтимоий тарих**
- **Диний тарих**
- **Фан тарихи**
- **Аёллар тарихи ва гендер тадқиқотлари**
- **Санъат тарихи**
- **Интеллектуал тарих**
- **Маданият тарихи**
- **Дипломатия тарихи ва бошқалар.**

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари тарихни хронологик даврлаштириш, яъни кадимги даврлар, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврлар тарихига бўлиб ўрганиш, шунингдек, алоҳида олинган давлатлар, минтақалар тарихига ва бошқаларга асосланган ҳолда ўрганиш мумкин. Жаҳон тарихини глобал тарзда кенг ва атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш билан бир қаторда алоҳида инсонлар, шахслар, воқеалар, қишлоқлар, шаҳарлар тарихи билан боғлиқ кичик-кичик тарихий тадқиқотларни (микротарих) ҳам амалга ошириш мумкин.

Тарихда математик услублар

математикалаштириш (математизация) ва комп’ютерлаштириш (компьютеризация) илмий-техникавий тараққиётнинг асосий йўналишларидир. Математик услублардан

тарих фани тадқиқотларида фойдаланиш ҳақида маҳсус асарлар ҳам ёзилган (М. Ковальченко. Количественные методы в историческом исследовании. М.1984; Математические модели исторических процессов. М.1998). Математик услублар тарихий жараёнларидаги қонуният ва анъаналарни аниклаш ва ўрганиш ва хуносалар чиқаришга ёрдам беради. (масалан, иқтисодий тараққиёт даражасини аниклаш, аҳолини рўйхатга олиш, сайловларнинг натижаларини таҳлил қилиш). XIXаср охири–XX аср бошида француз олим Семинон француз ҳалқининг ойлик статистикасини ҳисоблаб чиқиб **математик** услубларга асос солган. XX асрда бу усул ривожланади. II жаҳон урушидан кейин АҚШ олимлари бу усулдан фойдалана бошлидилар. Улар **математик** услублардан электрон ҳисоблаш машиналари билан боғлиқ ҳолда фойдалангандар. Янги фанлар пайдо бўла бошлагач, тарих янги услубларда кўриб чиқила бошлаган. Д.Норт ва Г.Фогель **математик** услублардан фойдалангани учун Нобель мукофотига сазовор бўлишган. Баъзи олимлар агар ҳамма жараён рақамларга айлантириб юборилса, тарихда тирик инсон қолмайди, бошқалари **математик** услубларсиз умумий хуносага келиб бўлмайди деган фикрларни билдиргандар. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб **математик** услублартарих фани тадқиқотларида кенг кўламда кўлланила бошланди. **Математик** услубларлардан фойдаланиб, тарихий жараёнлар, воқеаларни **математик** моделлаштириш (тиклаш) мумкин.

- | | |
|---|--|
| Тарихий антропология | - (Historical anthropology) – тарихий антропология фан бўлиб, унинг асосий мақсади антропологик тадқиқотлар таркибидан тарихий ахборотни (маълумотларни) ажратиб олиш, танлаб олинган ахборотни тарих фани эҳтиёжлари учун жалб этиш, талқин қилиб бериш. |
| Тарихий география | - (Historical geography) – тарих ва география фанлари кесишувидаги билим соҳаси бўлиб, аниқ бир худуднинг аниқ бир тараққиёт босқичини ўрганади |
| Тарихий социология | - (Historical sociology) – социологиянинг бир йўналиши бўлиб, жамият тараққиётининг, ижтимоий тизимларнинг, институтлар ва ҳодисаларнинг тарихий жараёнларини ўрганади. Тарихий социология тарихий тараққиётнинг социологик назариялари ва тарихий маълумотларнинг социологик таҳлилини ишлаб чиқади. |
| Тарихийлик (тарихийлик тамойили) | - Historism – объектив воқеликни илмий билиш тамойили бўлиб, унга мувофиқ объектлар ва ҳодисалар тарихий тараққиёт қонунинятлари асосида, уларнинг конкрет вазиятлардаги мавжудлигидан келиб чиқиб кўриб чиқилиши лозим. Тарихийлик тамойили шунингдек, тадқиқ этилаётган объективларнинг ва ҳодисаларнинг келажак тараққиёти ҳақида ҳам маълум бир фикрларни ва холосаларни билдириши мумкин. |

Тарихий – тизимлилилк услуги

- Турли даражадаги ижтимоий-тарихий тизимларнинг мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, воқеаликнинг асосий компонентлари - индивидуал ва тақорорланмас ҳодисалар, воқеалар тарихий вазиятлар ва жараёнлар ижтимоий тизимлар сифатида кўриб чиқлади.

Тарихий-тизимли услуг тарих фани тадқиқотларида математик услугларни ва моделлаштиришни кўллаш билан боғлиқ ҳолда кўлланила бошланди. Мазкур услуг турли даражадаги ижтимоий-тарихий тизимларнинг мавжудлигидан келиб чиқкан ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, воқеаликнинг асосий компонентлари (таркибий қисмлари) - индивидуал ва тақорорланмас ҳодисалар, воқеалар тарихий вазиятлар ва жараёнлар ижтимоий тизимлар сифатида кўриб чиқлади. Уларнинг барчаси вазифалари ва бир жараёнда содир бўлиш (намоён бўлиш) кетма-кетлиги жиҳатдан бир-бiri билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Бу услугдан фойдаланишнинг дастлабки босқичида тадқиқ этилаётган тизимни тизимлар умумийлигидан ва унинг таркибидан ажратиб олиш керак. Тадқиқ этилаётган тизим ажратиб (белгилаб) олингандан сўнг уни тузилиш жиҳатдан таҳлил қилиш ва тизимларнинг тузилиши ва улар таркибий қисмларининг ўзаро боғлиқлигини аниқлаб олиш керак бўлади. Бу жараёнда *мантиқий* ва *математик* услуглар қўлланилади. Иккинчи босқичда ўрганилаётган тизим (тузилиш) нинг шу тизим (тузилиш) мансуб бўлган умумий тизим (тузилиш) билан боғлиқлиги ва

унинг таркибий қисмидаги ўрни ва вазифавий моҳияти ҳамда аҳамияти аниқланади. Мазкур услубни тарихий тадқиқотлар жараёнида қўллашнинг мураккаблиги шундаки, ижтимоий тизимларнинг мураккаб тузилишга эга эканлиги ва оддий тизим (тузилиш)дан мураккаб тизим (тузилиш) ларга (турар жой – қишлоқ - вилоят каби) ўтиб бориш жараёнлариdir. Тадқиқотлар жараёнида агар ҳодисаларнинг моҳиятини ёритиши ёки аниқлаш имкони бўлмаган ҳолда умумфар услублари ва маҳсус тарихий услублардан фойдаланиш тавсия этилади. Синхрон таҳлилда нисбатан кўпроқ самараға эриши мумкин, бироқ бу ҳолда тараққиёт жараёни очилмай қолиши мумкин. Тизимли – тузилиш жиҳатдан ва функциональ жиҳатдан таҳлил эса ҳаддан ташқари абстрактлаштиришга ва формаллаштиришга олиб келиши мумкин.

Тарихий манбалар

- кишилик жамияти ўтмишини ҳамда тарихий жараёнларни ўрганиш имконини берадиган барча обьектлар, яъни инсон кўли билан яратилган нарсаларнинг ҳаммаси, шунингдек атроф муҳит билан муносабати натижалари, моддий маданият намуналари, ёзма ёдгорликлар, урфодатлар, маросимлар ва бошқалар. Тарихий манбалар миқдори чегарасиз, бироқ турли тарихий даврларга оид бўлган манбалар миқдори бир-биридан фарқланади.

Тарихий таққослаш услуби

- Тарихий жараён тафсилотлари аниқ ва равшан бўлмаганда унинг моҳиятини очишга, шунингдек, умумийликни, қонунийликни, такрорланувчаликни

аниқлаш ҳамда умумлаштиришга ва тарихий параллелликни юзага чиқариш учун кўлланилади.

Таққослаш услуги дастлаб маърифатпарварлар томонидан кўлланилган. Ф.Вольтер биринчилардан бўлиб ўзи томонидан яратилган тарихий китобларида таққослаш услугини кўллаган, бироқ бунда бу услуг тарихий услугга нисбатан кўпроқ восита сифатида кўлланилган. XIX аср охирларига келиб бу услуг тарихий тадқиқотларда, айниқса ижтимоий-иқтисодий тарих соҳаларида анча кенг ўрин тута бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда айниқса *компаратив* услуг кенг кўлламила бошланди. Амалда биронта ҳам тадқиқот бу услубларни кўлламасдан амалга оширилмайдиган бўлди.

Далилий материалларни, маълумотларни йиғиш, далилларни тизимлаштириш ва таҳлил қилиш жараённида тарихчи кўпгина жараёнларнинг мазмунидаги ўхшашликини, бироқ айни вактда жараёнларнинг замон ва макон бўйича турлилиги, бир-биридан фарқланиши омиллари сабабли турлилик касб этишини ва яна айни вақтда шаклан умумийликни кўриши мумкин. Мазкур услубнинг билиш жараёнидаги моҳияти унинг тарихий жараёнларнинг моҳиятини тушунтириб бериш учун йўналтирадиган имкониятлари дадир. Жараённинг моҳиятини англаш ва тушуниш учун унинг ўхшашлиқ ва фарқланувчи хусусиятларини тушуниш керак. Бу услубнинг мантикий асосини *аналогия* ташкил этиб, тадқиқот объектидаги бирор-

бир ўхшашлик асосида жараённинг бошқа жиҳатлари ҳақида ҳам хуносалар чиқарилиши мумкин.

Тарихий таққослаш услуби тарихий жараён тафсилотлари аниқ ва равшан бўлмагандан унинг моҳиятини очишига, шунингдек, умумийликни, қонунийликни, такрорланувчанликни аниқлаш ҳамда умумлаштиришига ва тарихий параллелликни юзага чиқариш учун имкон беради. Бунда албатта бир қатор талабларга риоя этишига тўғри келади. Жумладан, *аввало* таққослаш тарихий жараённинг шаклан ўхшаш жиҳатларини эмас, балки моҳиятини акс эттирувчи аниқ ва конкрет далиллар (фактлар) билан амалга оширилиши лозим, *иккинчидан*, ҳодисалар ва жараёнларнинг типологияси ва даврини яхши билиш ва тушуниш лозим. Тараққиётнинг бир босқичида ёки турли босқичларида бўлган бир хил ва турли хил ҳодисаларни таққослаш мумкин. Бир ҳолатда моҳият ўхшашлик асосида очиладиган бўлса, бошқа ҳолатда турлилик асосида аниқланиши мумкин. Бироқ айни вақтда тарихчидан *тарихийлик тамоилини* унутиб қўймаслик талаб этилади.

Тарихий таққослаш услубини қўллашда бир қатор чекланишларга дуч келиш мумкин. Бу услуб реал воқеликнинг турлилигини тушунишга имкон берсада, конкрет шаклдаги хусусиятини кўрсатиб беролмайди. Шунингдек, тарихий тараққиёт суръатининг тадқикида ҳам тарихий таққослаш услубидан фойдаланиш максадга мувофиқ эмас. Мазкур услубнинг расман (шунчаки қўллаш, қўланиши “керак” бўлганлиги

учун құллаш) құлланилиши хатоликларга олиб келиши, құпгина тарихий ҳодисалар мөхияттінің нотұғри талқиніга ва тавсифланишига олиб келиши мүмкін. Тарихий таққослдаш услубидан бошқа тадқиқот услублари билан биргаликда фойдаланиш мүмкін. Афсуски, тарихчилар томонидан тарихий таққослаш услуби құп ҳолларда аналогия ва солишириш билангина құлланилади, у тадқиқотлар жараёнида түлік юқоридаги күрсатиб үтилған жиҳатларини инобатта олган ҳолда камдан-кам құлланилади.

Тарихий хариталар (карталар)

- тарихий воқеалар ва жараёнлар, уларнинг бориши, содир бүлгап жойлари, масалан, қадимги цивилизациялар, маданий марказлар, давлатлар, жанг ва тұқнашувлар бүлгап жойлар, савдо йүллари ва чегаралар кабиларни акс эттиради ва воқееликни тасаввур қилишда ёрдам беради.

Тарихий-генетик услуб

- Тарихий генетик услуг ва ретроспектив услублар кенг тарқалған бўлиб, улар тарихий воқеаларнинг таркиби, вазифалари ва ўзгаришларни кетма-кет очиб беришга йўналтирилған. Тарихчи И. Ковальченконинг таъкидлашига кўра мазкур услублар -“мантикий табиати бўйича бу аналитик ва индуктив, ахборотнинг баён этилишга кўра эса тавсифийдир”. У сабаб ва оқибат ўргасидаги боғлиқликни аниклашга йўналтирилған бўлиб, у ёки бу тарихий жараёнларнинг келиб чиқишини таҳлил килишга асосланади. Бунда тарихий воқеа ҳам индивидуал, ҳам конкрет ҳолатда кўринади.

Бу методдан абсолютлаштирилган (мутлақлаштирилган) холатда фойдаланиш айрим хатоликларга олиб келиши мумкин. Тарихий жараёнларни ўрганишга асосий ургу берилган ҳолда бу жараёнларнинг барқарорлигини етарлича баҳолаш ҳам мумкин эмас. Шунингдек воқеаларнинг индивидуаллиги ва такрорланмаслигини кўрсатган ҳолда унинг умумийлик касб этишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бунда эмпираизмдан сақлаш тавсия этилади.

Тарихий-типологик услуг

- Типология тарих фанида тарихийҳодисалар ва жараёнларни умумий аломатлари, жиҳатлари, моҳиятига караб илмий асосда гуруҳларга ажратиш, тасниф (классификация) килиш. Типологик услуг тарихий жараёнларнинг моҳиятига асосан таҳлил қилишдир (И.Ковальченко). Позитивистларнинг таъкидлашича, расман тавсифий классификациялаш натижа бермайди. Субъектив ёндашув тарихчи тафакуридагина типларни шакллантиришга олиб келади. М.Вебер томонидан илгари сурилган “идеал типлар” назарияси социологлар томонидан узоқ вақтгача қабул қилинмади ва соддалаштирилган ҳолда талқин қилинди. Бунда асосан гап бугунги кунда маълум бўлган моделлаштириш хақида бориб, ҳозирги вақтда тарихчилар бу услугдан самарали фойдаланмоқдалар.

И.Ковальченко томонидан таклиф этилган гуруҳлар (турлар) дедуктив ёндашув ва назарий таҳлил жиҳатлари билан ажралиб туради. Сифат хусусияти

билин аниклаштиришнинг белгилари ажратиб кўрсатилиб, тадқиқот объектигининг у ёки бу типга мансублигини аниклаш мумкин эканлиги таъкидланади. Бу ёндашув кейинчалик унга математик услубларни тадқиқот жараёнида қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилган эди.

Тарихшунослик

- (юонон тилида «*historia*» - тарих ва «*grapho*» - ёзаман) – фаннинг тарихини ўрганадиган фан. Айнан маънодаги тушунчаси эса илмий тадқиқотнинг бир қисми бўлиб, аниқ илмий мавзунинг ўрганилиши даражасини очиб беради.

Таснифлаш

- қаранг: *классификация*

Тахлил

- қаранг: *анализ*.

Текстология

- Матншунослик. Ёрдамчи тарих, филология, маданиятшунослик фанлари соҳаси бўлиб, ёзув, адабиёт, фольклорнинг яратилиши ўрганади, уларнинг танқидий тахлил қиласи ва “текширув”дан ўтказади, матнларни кейинги тадқиқотлар ва нашрлар учун тайёрлашни амалга оширади.

Тизимлилик (системалик) тамойили.

- Система – муайян тарзда ўзаро боғланган ва бир қадар яхлитликни ташкил этадиган элементлар мажмуи. Тармоқ, шахобча, бирлик, бутунлик ташкил этувчи нарсалар мажмуи. Тарих фанида умумий яхлит тарихий жараёнларнинг таркибини ташкил этувчи тарихий жараёнлар, воқеалар, ҳодисалар мажмуи.

XIX асрда тарихчилар жамиятни, тарихий воқеаларни тизимлилик асосида (системалаштириб) ўргана бошлаган

бұлсалар, XX асрға келиб барча фанлар тадқиқотларыда *тизимлилік* услугидан фойдаланиш асосий үрин тутиб бора бошлади, бунда тадқиқот обьектига сабабийлик ва келиб чиқишидаги ҳамда вазифавий алоқадорлығы хұсусиятларидан келиб чиқкан ҳолда мураккаб тузилмали тизим сифатыда қаралды.

Типология

- тарих фанида тарихий ҳодисалар ва жараёнларни умумий аломатлари, жиҳатлари, мөхиятига қараб илмий асосда гурухларга ажратиш, тасніф (классификация) килиш. Типологик услуг тарихий жараёнларнинг мөхиятига асосан таҳлил қилишдір (И.Ковалъченко). Яна қаранг: *классификация*.

Типологиялаш

- тарихий жараёнлар ва ҳодисаларни умумий аломатларига асосланыб гурухларга, туркумларга ажратиш. Яна қаранг: *классификаци; типология*

Услуб

Услуб

- қаранг: *метод*

Ф

- Фан тарихи**
 - Фанларо ёндашув**
 - Фанинг методологиясы**
 - Фаталист**
 - Феминизм**
-

Фан тарихи

Тарих фани илм-фанга кашфиётлар рўйхати сифатида эмас, балки инсон фаолиятининг маҳсули ва айни вақтда жамият ва маданий ҳаётнинг ажралмас бир бўлаги сифатида қарайди. Илм-фан – ижтимоий ва мафкуравий хусусиятга эга. Айни вақтда тарихчилардан илм-фанинг илмий бўлмаган тафаккур маҳсули бўлган (астрология, алкимё ва бошк.) фанларни илмий фанлар билан аралаштириб юбормаслик талаб этилади. Бу соҳанинг тарихий тадқиқотлари жараёнида илм-фан ва жамият ўртасидаги алоқалар ва боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Фанларро ёндашув

- **қаранг:** *Тарих фанинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги*

Фаннинг методологияси

- фаннинг илмий тадқиқот компонентларига – тадқиқот обьектига, тадқиқот предмети ва предмет таҳлилига, тадқиқотнинг (ёки муамонинг) вазифаларига, мазкур қўйилган муаммонинг ечимини топиш ёки тадқиқот олдига қўйилган вазифаларнинг ҳал этилишида муҳим ўрин тутувчи ва энг самарали ҳамда мақбул ҳисобланган тадқиқот воситалари (методлари) нинг умумий хусусиятларига, тадқиқот олдига қўйилган вазифаларнинг ҳал этилиши жараёнида тадқиқотчи томонидан амалга ошириладиган ишлар ва тадқиқотлар босқичларининг кетма-кетлигини шакллантириш каби омилларга тавсиф беради. **Фан методологиясининг** энг

мухим вазифаларидан бири тадқиқот муаммосининг қўйилиши, илмий назариялар ва тадқиқот предметининг танлаб олиниши ва тартибга солиниши, шунингдек кўлга киритилган илмий натижаларнинг уларнинг ҳаққонийлиги нуқтаи-назаридан текширилиши, яъни ўрганилаётган объектнинг ўрганилишини амалга ошириш саналади.

Фаталист

- тақдирга ишонувчи, тақдир, пешонага ёзилгани, қисматга битилгани содир бўлади деб ҳисоблайди, **фаталистлар** (тарих фанида) - воқеалар содир бўлиши муқаррар, уни мухокама қилиш мақсадга мувоғик эмас деб ҳисобловчилар. Фаталистларнинг фикрича, тарих ўзининг аввалдан маълум йўлида гилдираб келаверади, унда ҳамма нарса қонуний ва зарурий, инсон эса шиддат билан содир бўлаётган бу жараёнда майда ва арзимас пайраҳадир (яъни инсон тарихий жараённинг содир бўлишида ҳеч қандай рол ўйнамайди ва унга таъсир кўрсата олмайди) деб ҳисоблайдилар.

Феминизм

- юонон мифологиясидаги адолат маъбудаси Фемида номи билан рамзий боғланган бўлиб, XX асрда аёлларнинг эркаклар билан teng хукукли бўлиши гояси

X

Хронологик услугуб Хронология

Хронологик услуг

- воқеаларнинг кетма-кет содир бўлишига асосланган, воқеа ва ҳодисаларни хронологик тартибда баён қилишга йўналтирилган тарихий тадқиқот услуби. Ҳар бир тарихчи томонидан қўлланилиб, тарихий жараёнларнинг вакт бўйича (хронологик) кетма-кетликда ўрганиш имконини беради. Бироқ бунда эътиборга молик фактларни дикқатдан четда қолдирмаслик керак. Айрим ҳолларда, яъни тарихчилар томонидан айрим далилларнинг (фактларнинг) мазкур тизимга жалб эта олмаган ҳолларида тарихий жараённинг тавсифидаги ноаниклика йўл кўйилиши мумкин. Бу услубнинг бир кўриниши **муаммовий-хронологик** услуг бўлиб, йирик тадқиқот мавзусини тадқиқот жараёнида бир неча қисмга бўлиб, уларнинг ҳар бири бўйича алоҳида хронологик жиҳатдан кетма-кетликда тадқиқот амалга оширилади.

Хронология

- (юон. *хронос* – вакт, *logos* - тушунча, билим; вакт ҳақида тушунча) қадимги халқлар орасида ва мамлакатларда амалда бўлган йил ҳисоби ва тақвимни ўрганувчи соҳа. Муайян бир вақтдан бошлаб тарихни ҳисоблаб бориш ҳақидаги фан, воқеаларнинг тарихи, вақти кетма-кет кўрсатиб тузилган жадвал ёки ёзилган рўйхат.

Абу Райхон Берунийнинг “Осор улбокия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) номли асари турли тақвимларни ўрганишга бағишлилангани учун Европада “Хронология” номи билан машхур.

Ҳарбий тарих

- тарих фанининг энг қадимий тармоқларидан биридир. Ҳатто “тарихнинг отаси” Геродот ва бошқа антик давр тарихчилари ҳам қадимда содир бўлган урушлар ҳақида алоҳида ва кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирганлар. XVIII асрдан бошлаб эса ҳарбий тарих ҳарбий тўқнашувлар тарихи сифатида ривожлана бошлади. XIX аср охири – XX аср бошларидан бошлаб, урушлар хусусиятидаги юзага келган ўзгаришлар таъсирида ҳарбий тарих соҳасида нафакат ҳарбий соҳага алоқадор масалаларнинг ўзинигиина, балки жамият тараққиётига алоқадор масалаларни ўрганила бошланди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг, ҳарбий тарих фани соҳаси таркибига урушаётган мамлакатлар ва давлатларнинг ижтимоий-иктисодий тарихини ўрганиш соҳалари ҳам қўшилди. Ҳозирги вақтда ҳарбий тарих предмети бирмунча кенгрок тусда, яъни “уруш ва жамият” тушунчасига эга бўлиб, айrim вақтларда ҳарбий мутахассислар ҳарбий харакатларни ўрганиш учун ҳам жалб этилади.

Ҳарбий тарих фани – тарих фанинг таркибий қисми бўлиб, урушлар, ҳарбий жанг санъати, қуролли кучлар, ҳарбий техника ва ҳарбий билим бериш, ҳарбий кўмондонлар, қўшинлар, давлатларнинг ҳарбий фаолияти тажрибаларини

Үрганади.

Ҳарбий тарих фанининг тармоқларига урушлар тарихи, ҳарбий жанг санъати тарихи, қуролли кучларнинг шаклланиши ва тузилиши тарихи, ҳарбий ўқ отар қуроллар ва ҳарбий техниканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи, ҳарбий қисмлар тарихи ва ҳарбий тафаккур тарихи киради. Шунингдек ҳарбий тарихшунослик, ҳарбий археология, ҳарбий архивография, ҳарбий статистика соҳалари ҳарбий тарих фанининг маҳсус тармоқлари саналади.

Ҳарбий соҳа ва унинг тараққий этиб бориш жараёни ҳақида асосий тушунчаларни бериш имкониятига эга бўлган урушлар тарихи ҳамда ҳарбий жанг санъати тарихи ҳарбий тарих фанининг етакчи тармоқлари хисобланади.

Ҳарбий тарих фани ҳам бошқа фанлар каби маълум билимлар соҳасига таянади ва ўзига хос анъанавийликка эга. Сиёсий қарашлар, методологик ва назарий ёндауввлар таъсирида урушларнинг хусусиятлари, моҳияти ва ўрнига баҳо беришда турлича ёритилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқсан ҳолда XXI аср тарихчилари олдидағи асосий вазифалардан бири урушлар тарихига, ҳарбий ҳаракатлар тарихига қатъий объективлик, соф илмийлик ва тарихийлик нуқта-назаридан ёндашиш саналади.

Ҳарбий тарих фани

- тарих фанинг таркибий қисми бўлиб, урушлар, ҳарбий жанг санъати, қуролли кучлар, ҳарбий техника ва ҳарбий билим бериш, ҳарбий қўмондонлар, қўшинлар,

давлатларнинг ҳарбий фаолияти тажрибаларини ўрганади.

Ҳарбий тарих фанининг тармоқларига урушлар тарихи, ҳарбий жанг санъати тарихи, куролли кучларнинг шаклланиши ва тузилиши тарихи, ҳарбий ўқ отар қуроллар ва ҳарбий техниканинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи, ҳарбий қисмлар тарихи ва ҳарбий тафаккур тарихи киради. Шунингдек ҳарбий тарихшунослик, ҳарбий археология, ҳарбий архивография, ҳарбий статистика соҳалари ҳарбий тарих фанининг маҳсус тармоқлари саналади.

Ҳарбий соҳа ва унинг тараққий этиб бориши жараёни ҳакида асосий тушунчаларни бериш имкониятига эга бўлган урушлар тарихи ҳамда ҳарбий жанг санъати тарихи ҳарбий тарих фанининг етакчи тармоқлари хисобланади.

Ҳарбий тарих фани ҳам бошқа фанлар каби маълум билимлар соҳасига таянади ва ўзига хос анъанавийликка эга. Сиёсий қарашлар, методологик ва назарий ёндашувлар таъсирида урушларнинг хусусиятлари, моҳияти ва ўрнига баҳо беришда турлича ёритилиш ҳоллари ҳам мавжуд. Шундан келиб чиқсан ҳолда XXI аср тарихчилари олдидағи асосий вазифалардан бири урушлар тарихига, ҳарбий ҳаракатлар тарихига қатъий объективлик, соғ илмийлик ва тарихийлик нуқта-назаридан ёндашиш саналади.

Эмпиризм

- назарий умумлаштиришни инкор қилиб, хиссий идрокни, тажрибани билишнинг бирдан бир манбаидир деб биладиган фалсафий йўналиш, назариядан кўра амалий фаолиятга кўпроқ мойил бўлишилик, амалий фаолиятга мойиллик

Эпиграфика

- палеография фанининг бир тармоғи бўлиб, (юнон. ері – устида, тепасида, grapho – ёзув; бирон нарса; буюм устидаги ёзув) Тарих фани бўлими бўлиб, ёгочга (тахтага), дараҳт пўстлоғига, сополга, тошга, чармга, металларга, тошбақа косалари ва бошқаларга битилган алоҳида белгилар, сўзлар ва матнларни ўрганади

*

Тарихчи мутахассисларни тайёрлашда ва уларнинг илмий тадқиқот малакасини шакллантиришда тарих фанининг турли тадқиқот услублари ва ёндашувлари ҳакида етарли билим бериш бугунги кун тарих ўқитишнинг асосий вазифаларидан бирига айланди. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, талабаларнинг “Тарих фани методологияси” фанини ўзлаштиришда ёрдамчи қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлигини инобатга олган холда мазкур қўлланмада энг асосий тадқиқот услублари, фалсафий ёндашувлар, тарих фанида ва унинг тадқиқоти жараённида кўп учрайдиган бир катор терминлар ва илмий атамалар, уларнинг мазмуни ва изохли шарҳлари кўрсатиб ўтилган. Кўлланмани тайёрлашда бугунги кунгача мазкур фан соҳасида юртимизда ва ҳорижда нашр этилган адабиётлар, илмий мақолалар материалларидан фойдаланилди. Мазкур қўлланмада эътиборингизга ҳавола этилган тарих фани тадқиқот услублари, тадқиқотлар жараёнидаги фалсафий ёндашувлар, мақтаблар, уларнинг вакиллари томонидан илгари сурилган бир катор фикрларга оид ва умуман тарих фанига оид юздан ортиқ терминлар ва уларнинг изохли шарҳлари билан танишиб чиқдингиз. Бунда келтирилган айрим ёндашувлар бугунги кунда ўз аҳамиятини йўкотган ёки бошқа самараали тадқиқот услубларига ўз ўрнини бўшатиб берган ва бундай фалсафий ёндашувлар ҳакида ҳам умумий тушунчага эга бўлиш кейинчалик унинг такрорланмасиги учун фойдадан ҳоли бўлмайди. Мазкур қўлланмада келтирилган маълумотлардан фойдалангандан холда ҳар бир тадқиқотчи ёки тарих мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалар тарихга оид асарлардан фойдаланиш, уларни таҳлил этиш каби ўзлаштириш услублари, улардан фойдаланиши самарадорлигини билиш, тарих тадқиқоти шароитида зарур бўладиган илмий-билиш назарияси, тарихни ўрганиш ва англаш тамойиллари услублари билан танишиб ҳамда уларни тадқиқот жараёнларида қўллаш ҳакида маълум тушунчаларга эга бўладилар, деб умид киламиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг уз истикол ва тараккиёт йўли. Т. «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. “Ўзбекистон”, 1996.
3. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т. «Шарқ». 1998 й.
4. Каримов И.А. Юқсан маънавият – енгилмас куч. Т. “Маънавият”. 2008.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. “Ўзбекистон”. 2011.
6. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., “Фан”, 1968.
7. Абулғози Баходирхон. “Шажараи турк”. Т. “Чўлпон” 1992.
8. Алиев З. Маҳмудхўжа Беҳбудий. Тошкент. 1994 й.
9. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.І. Историческое сознание. Т.: “Ўзбекистон”. 2008.
10. Алимова Д.А. История как история, история как наука. Т.ІІ. Феномен джадидизма. Т.: “Ўзбекистон”. 2009.
11. Атаджанов Ш., Илҳомов З., Ишкувватов В., Аллаева Н. Ўзбек хонликлари тарихшунослиги. Т., Янги аср авлоди. 2011.
12. Аскаров А. Ўзбекистон мустақиллик шароитида тарих фанининг вазифалари. «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», 1992 йил, 7-8 сонлар.
13. Баёний. “Шажараи Хорамзшохий” Т., 1991.
14. Бородкин Л. И. Историческая информатика: этапы развития // Новая и новейшая история. 1997. №1.
15. Грязнов В.М. Методология научного творчества. – М.: РУДН, 2000.
16. Давронов З. Илмий ижод методологияси. – Т.: Иқтисод-Молия, 2007.
17. Ерофеев Н.А. Что такое история. М., 1976.
18. Жадидчилик: Ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик, тараккиёт учун кураш. Тўплам. Т, Университет. 1999
19. Жўраев Н. Тарих фалсафаси. Т. Маънавият. 1999.
20. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. Т. Маънавият. 2008.
21. Ковалченко И.Д. Методы исторического исследования. М., 1987.
22. Ибрат И. Фарғона тарихи Т. 1991 й.
23. Иброҳимов А. Бизким ўзбеклар.... Т.: “Шарқ”, 1999. 278-279-бб.
24. Иванов Г.М. и др. Методологические проблемы исторического познания. М., 1981.
- 25.Илҳомов З.А. Тарих фани методологияси. Т. 2013.
- 26.Илҳомов З.А. Кўён хонлиги тарихшунослигининг айrim масалалари (тахлил ва мулоҳазалар). Т. 2007.
27. Илҳомов З.А. Кўён хонлиги манбашунослигининг айrim масалалари

- (назарий-методологик муроҳазалар). “Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда” мавзусидаги иккинчи Республика илмий анжумани (илмий мақолалар тўплами). 2012 йил.
28. Илҳомов З.А. Милоддан аввалги IV-III асрларда давлатчилик жараёнлари (манбавий методологик таҳлил). Ўзбек давлатчилиги тарихи: муаммо ва изланишлар”. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2012 йил.
29. Илҳомов З.А. Тарих фани тадқиқотларида манбалар билан ишлашнинг методологик жиҳатлари. “Ўзбекистоннинг бетакрор маданий ёдгорликлари: муаммолар, ечимлар ва истикболлар” (илмий мақолалар тўплами). Т. 2012.
30. Илҳомов З.А. Тарих фани тадқиқотларида манбашунослик масалалари (назарий-методологик муроҳазалар) Тарих ва таълим. Илмий амалий конференция. Т.2012 й.
31. Илҳомов З.А. Шарқ тарих фалсафаси хақида муроҳазалар. Илк ўзбек давлатчилиги тарихи. Республика илмий конференцияси. Т. 2010 й
32. Илҳомов З.А., Расулова Н.С. XIX асрнинг 50-йилларида Кўкон хонлигига ички сиёсий зиддиятларнинг кучайиши (манбавий-методологик таҳлил). Фарғона водийси тарихи тадқиқотларда: Мавзусидаги иккинчи Республика илмий анжумани (илмий мақолалар тўплами). 2012 йил.
33. Ильин И.П. Постструктурализм. Деконструктивизм. Постмодернизм. М.,1996.
34. Ковалченко И.Д. Теоретико методологические проблемы исторического исследования. // Новая и новейшая история. 1996. №1.
35. Ковалченко И.Д. Методы исторического исследования. М., «Наука». 1987.
36. Коллингвуд Р.Д. Идея истории М., 1980.
37. Мадраимов А, Фузайлова Г. Манбашунослик. Т.2008.
38. Математические модели исторических процессов. М., 1996.
39. Мирза Олим Мушриф. Кўкон хонлиги тарихи Т. 1995 й.
40. Мирзо Улугбек. Тўрт улус тарихи Т., “Чўлпон”1994
41. Наршахий. Бухоро тарихи. Т., “Мерос”, 1991.
42. Нормативны материальпо оформлению диссертации и автореферата. Методические указания. Под редакцией Мухитдинова М. Т., 2003г.
43. Парфёнов И.Д. Методология исторической науки. Саратов. 2001.
44. Перегудов Л.. Методология научных исследований. – Ташкент, 2002
45. Перегудов Л.В., Сайдов М.Х., Аликулов Д.Е. Илмий ижод методологияси. –Тошкент: «Молия» нашриёти, 2002.
46. Репина Л.П. Новая историческая наука и социальная история. М.,1999.
47. Саифназаров И., Никитченко Г, Касымов Б. Методология научного творчества. –Т.: Янги аср авлоди, 2004
48. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. Т., “Ўзбекистон”, 1997.
49. Тарих, мустақиллик, миллий гоя. Республика илмий – назарий анжумани

- материаллари. Т., Академия, 2001.
50. Темур ва Улугбек даври тарихи. Т., Қомуслар бош таҳририяти. 1996.
51. Темур тузуклари Тошкент., F.Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1997.
52. Тожибоев М., Илхомов З. Ўзбекистон тарихини ўрганиш (ўқитиш) нинг методологияси. Т.2003 й.
53. Тожиев М. ва бошқ. Таълим жараённида замонавий ахборот технологиялари. + Т., 2001.
54. Топольский Е. Методология истории. Варшава. 1968.
55. Ўзбек давлатчилиги тарихи: муаммо ва изланишлар. Республика илмий амалий конференция материаллари тўплами. Тошкент, 2012 йил.
56. Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи концепцияси // Ўзбекистон тарихи. 1999 йил, 1 –сон.
57. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 2004, 8-жилд. 274-279 бб.
58. Ўзбекистон тарихининг долзарб муаммоларига янги чизгилар Т., 1999 й.
59. Ўзбекистонинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакаси даврида. Т., “Шарқ”. 2000.
60. Ўзбекистонинг янги тарихи. Иккинчи китоб: Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида. Т., “Шарқ”. 2000.
61. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Концепциал – методологик муаммолар. Т., “Академия”.
62. Холбаев С. Тарих фаннинг методологик асослари ва тамойиллари масаласи. (И.Каримовнинг асарлари мисолида). // Ижтимоий фикр. Инсон хукуклари, 2004, N1, 140-147 б.
63. Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. Т.: Камалак, 1994
64. Шониёзов К.Ш. Ўзбек халқининг шаклланиши жараёни. Т. “Шарқ”, 2001.
65. www.Ziyo.net.
66. www.uznet.net.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
А	
Анналар мактаби”.....	6
Абсолют (мутлак).....	6
Абсолют (мутлак) ҳақиқат.....	7
Абстрактлик.....	7
Абстрактликдан (мавхумликдан) конкретликка күтарилиш (йұналтириш, йұналтирилғанлық)	7
Аёллар тарихи ва гендер тадқылтари.....	7
Анализ.....	8
Анализ - (тахлил) килиш.....	8
Аналогия.....	9
Аналогия (услуб сифатида)	9
Анахронизм.....	9
Апологетика.....	9
Археография.....	10
Археология.....	10
Атрибуция.....	10
Б	
Бонистика.....	10
В	
Волюнтаризм.....	10
Г	
Гендер таҳлили.....	11
Генеалогия.....	12
Генетик услуг.....	12
Геральдика.....	13
Гипотеза (фараз)	14
Д	
Дедуктив-интеграл модельлаштириш.....	15
Дедукция.....	15
Детерминизм.....	16
Диалектика.....	17
Диахрон услуг (даврлаштириш услуги).....	18

Диний тарих.....	19
Дипломатия (дипломатика)	20
Дипломатия тарихи.....	20
Дисперсия.....	21
Ё	
Ёрдамчи тарих фанлари.....	21
И	
Идеал.....	22
Ижтимоий тарих.....	22
Ижтимоий фанлар.....	23
Иқтисодий тарих.....	23
Индукция.....	24
Интеграл.....	24
Интеллектуал тарих.....	25
Интерпретация.....	25
Интуиция.....	26
К	
Квантатив тарих.....	26
Классификация – таснифлаш.....	26
Конкретлик.....	27
Конкретлик (конкрет)	27
Контент - таҳлил.....	27
Концепция.....	28
Корреляцион.....	28
М	
Маданият тарихи.....	29
Манбалар - Манба.....	30
Манбани интерпретациялаш.....	31
Манбанинг танқидий таҳлили (манбашунослик таҳлили)	32
Манбашунослик.....	37
Мантик (мантикийлик)	38
Марксизм.....	38
Метод.....	39
Метод.....	39
Методология.....	40
Метрология.....	40
Моделлаштириш	40
Мукаммал тавсифлаш услуги.....	41
Н	
Назария (теория)	41
Неокантчилик.....	42

	Нумизматика.....	42
О	Ономастика.....	44
П	Палеография.....	44
	Папирология.....	45
	Парахронизм.....	45
	Плюрализм.....	45
	Позитив	46
	Позитивизм.....	46
	Позитивистлар.....	46
	Полисемантизм.....	47
	Постмодернистлар.....	47
Р	Рационалист.....	47
	Релятивизм - <i>релятивистик</i>	47
	Релятивистик ёндашув (релятивистлар)	48
	Ретроспектив услугб.....	48
С	Санъат тарихи.....	48
	Семиотика.....	49
	Сиёсий тарих.....	49
	Синтез.....	51
	Синхрон услугб.....	51
	Структурализм.....	51
	Субъективлик.....	51
	Сфрагистика.....	52
Т	Тадқиқотнинг илмий-маълумотнома аппарати.....	54
	Тамойиллар.....	55
	Тарихий информатика.....	56
	Тарих.....	56
	Тарих фалсафаси.....	57
	Тарих фани.....	57
	Тарих фани ва тарихий билимларнинг бошқа шакилари	58
	Тарих фани ва тарихий билишнинг асосий мақсади.....	59
	Тарих фани методологияси.....	59
	Тарих фани объекти ва предмети.....	60
	Тарих фанининг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.....	60
	Тарих фанининг ижтимоий вазифалари.....	62
	Тарих фанининг соҳалари.....	62

Тарих фанининг тармоклари.....	64
Тарихда математик услублар.....	64
Тарихий антропология	66
Тарихий география.....	66
Тарихий социология.....	66
Тарихийлик (тарихийлик тамойили).	66
Тарихий – тизимлилик услуби.....	67
Тарихий манбалар.	68
Тарихий таққослаш услуби.....	68
Тарихий хариталар (карталар)	71
Тарихий-генетик услуб.....	71
Тарихий-типологик услуб.....	73
Тарихшунослик.....	73
Таснифлаш.....	73
Тахлил.....	73
Текстология.....	73
Тизимлилик (системалик) тамойили.....	73
Типология.....	74
Типологиялаш.....	74
У	
Услуб.....	74
Ф	
Фан тарихи.....	75
Фанлараро ёндашув.....	75
Фанинг методологияси.....	75
Фаталист.....	76
Феминизм.....	76
Х	
Хронологик услуб.....	77
Хронология.....	77
Ҳ	
Ҳарбий тарих.....	78
Ҳарбий тарих фани.....	79
Э	
Эмпиризм.....	80
Эпиграфика.....	80
Х	
Хулоса.....	82
Ф	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	83

**Алади 100 нусха. Ҳажми 5,75 б.т.
Низомий номидаги ТДПУ Ризографида на шр қилинди.**

